

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 36-37 (842) • 2011 йил, 26 август, жума

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқларварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович — Тахтақўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Фарманов Александр Касимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очiq акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси — бош директори

Қосимов Хасанбой Хатамович — «GM O'zbekiston» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 23 август



Сейтназаров
Сарсенбай Ержанович

Фарманов
Александр Касимович

Қосимов
Хасанбой Хатамович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитни дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониغا мувофиқ:

1. 2011 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 31 августга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2011 йил 31 август дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbirlарни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbirlарни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 25 август



Кураш ва ғалабалар солномаси

Муҳаррир минбари

Ҳаётимиздаги энг улуг, энг азиз байрам арафасида турибмиз. Бугун дунёнинг нигоҳи ўз мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаётган мустақил, озод ва обод Ўзбекистонга, шу давр ичида эришган оламшумул ғалабаларимизга қаратилган десак, асло муболаға бўлмайд.

➤ (Давоми 3-бетда).

Партияимиз кутлови!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши барча партиядошларни, ҳамюртларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади.

Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинган кун — халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий, маърифий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуг, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган кутлуг байрам.

Мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида олиб бораётган самарали ишларимиз ўз салоҳияти ва истиқболларига эга. Бу салоҳият ва истиқбол Ўзбекистон келажигини белгилаб беради, бугунги иқтидорли ёшлар, малакали мутахассислар, мунтазам такомиллашиб бораётган таълим тизими ва бошқа ижтимоий соҳалар мамлакатимиз тараққиётида салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз мафқураси ҳамда сайловолди дастури мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳада содир

бўлаётган барча ўзгариш ва янгиланишларга, мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги ислохот жараёнларига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида давлат, жамоат, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи-лари томонидан кенг миқёсда ташкил эти-лаётган байрам тadbirlари мамлакатимиз-нинг ҳар бир ҳудудини кенг қамраб олиб, байрамона руҳни тобора кучайтирмоқда.

Катта эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган бунёдкор-лик ишларимиз ва ташаббусларимиз барда-вом бўлсин.

Тараққиёт сари юз бурган, кундан-кунга чирой очиб, файзу тароватга тўлиб бораёт-ган Ватанимиз Мустақиллигининг мустаҳкам-ланишига муносиб улуш қўшиб келаётган барча юртдошларимизга, партиядошлари-мизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, эзгу-лик ва байрамона кайфият тилаймиз. Хона-донларингизга кут-барака, бошлаган ишла-рингизда муваффақиятлар доим ёр бўлсин.

Мамлакатимиз осмони мусаффо, эл-юр-тимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Жамиятчи янгилаш ва демократлаштиришда

ҳар бир партия аъзосининг ўз ўрни бўлиши шарт

Мустақиллик чиндан ҳам бизнинг борлигимиз, шон-шухратимиз ҳамда эркин ва фаровон келажагимиз гарови эканини ҳаёт ҳақиқати кўрсатиб турибди. Бизга тенглар ичра тенг бўлиш, ўз тилимизда сўзлаш, ўз истагимиз, халқимиз хоҳиш-иродаси ила ҳаёт қуришимизга фақатгина истиқдол имкон берганини барчамиз бирдек англаб турибмиз.



Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сийёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари.

Ўтган 20 йил жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар даври бўлганини, янги Ўзбекистон дунёдаги энг бунёдкор давлатлардан бирига айланганини бугунга келиб жаҳон ахли эътироф этмоқда. "Ўзбек модели" сифатида тан олинган тараққиёт йўли ўзини тўлиқ оқлаётгани, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалиёти мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадриятга айлантирди. Хусусан, мамлакат сийёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам Ўзбекистонимизнинг аввалбошдан танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканини, бу интилишлар юрдошларимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини кўрсатмоқда.

Маълумки, мустақиллик маҳсули бўлган "Адолат" СДП бошқа сийёсий партиялардан фарқли ўлароқ ўз фаолиятини бошлаган дастлабки кунлардан оқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, муктасар айтганда, Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатларро тотовулик ва ижтимоий адолат ҳукм сурайдиган жамиятда яшашни истайдиганларнинг ёрдамига таяниб келмоқда ва улар учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялашнинг ўзининг асосий вазифаси сифатида белгилаб олди.

Ўтган вақт мобайнида парламентда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонунларнинг қабул қилинишида ҳам партия масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Айниқса, 2010 йилнинг 12 ноябрь кунин Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида — давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ва ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамиятини институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, демократик бозор ислохотларини ва иқтисоди-

ётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурдиларки, бу ҳам биздан янада фалорқ, ташаббускорроқ бўлишни талаб этмоқда. "Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, — мазкур ислохотларнинг муваффақияти... биринчи навбатда сийёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдирини ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир".

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепция мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларни амалга оширишда дастурий аҳамият касб этади. Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сийёсий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштиришни, сийёсий партиялардан, хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан партиявий-сийёсий фаолиятга бўлган ёндашувларни замон талаблари даражасига кўтаришни, ўз фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишни, Ватанимиз келажаги ва тақдирини учун улкан ваколатлар берадиган масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, "Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳуқуқат томонидан амалга оширилайётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида"ги масалалар кўриб чиқилган Олий Мажлис палаталарининг 2011 йил 15 июлдаги қўшма мажлиси тарихий аҳамиятга эга, десак муболаға бўлмайди. Зеро, у бир томондан, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий мақсад ва голярини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргандан сўнг илк бор ўтказилган бўлса, иккинчи томондан, ана шу қонун асосида парламентнинг ҳар иккала палатаси депутатлари биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳисоботини эшитдилар.

Ҳуқуқат ҳисоботини эшитишда тадбиркорлар, олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг иштирок этиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклик, шаффофлик ва ошқораликни таъминлашда, қабул қилинаётган қарорлар сифати учун уларнинг масъулиятини оширишда навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Бугун ҳаётнинг ўзи қонун чикарувчилар олдида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини тақомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Айтмоқчиманки, энг аввало, Президентимиз Ислам Каримовнинг Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган Концепциянинг устувор йўналишларидан, қолаверса, партияимизнинг сайлов олди платформаси ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб,

фракцияимизнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг асосий йўналишларини янада тақомиллаштириш. Бунда, партияимиз электорати, сайловчиларимизнинг сийёсий хоҳиш-иродаси ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Юқоридегилардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси фаолияти кучли демократик, ижтимоий йўналтирилган давлат, адолатли ва маънан жипслашган жамият қуриш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда очиклик, ошқоралик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш ишига қаратилган.

Жамиятда қонун устуворлигига эришиш, қабул қилинаёқ қонунларга ижтимоий адолат тамойилларини сингдириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд ҳокимияти нуфузини янада мустаҳкамлаш, демократик ислохотларда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ва ролинини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги ҳамда бу институтлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш каби муҳим ташаббуслар фракцияимиз қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман. Ўзбекистон "Адолат" СДП биринчи навбатда мамлакатимизда қайта тикланувчи, мубокил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ишларни янада жонлантириш тарафдорини. Тўғри, Ўзбекистон энергия ресурсларига бой мамлакат. Бироқ дунёда энергияга бўлган талабнинг кучайиб бориши, ўз навбатида энергия захираларининг 30-40 йиллар орасида поғнага етиши борасидаги фарзлар ўрта ва узок муқаддатли стратегияда нефть ва газ ўрнини боса оладиган мубокил энергияларни ривожлантириш заруриятини юзага келтириши аниқ. Марказий Осиё ва айниқса, Ўзбекистонда ҳам энергия истеъмолчининг ошиб бориши, афро-муҳит муҳофазасига оид муаммолар нисбатан арзон, экологик тоза, мубокил, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш заруриятини янада ошириши, шубҳасиз.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, йил 365 кун мобайнида қуёш нур сочиб турадиган Ўзбекистон шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларининг кичик гидростанция, қуёш, шамол, биомасса ресурслари ва геотермал турларини ривожлантириш имкониятлари бисёр. Партияимиз энергиянинг мавжуд барча мубокил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга устувор вазифа сифатида қараётгани учун ҳам фракцияимиз депутатлари томонидан "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар билан шу хусусда маслаҳатлашувлар олиб боришмоқда.

Биз алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир йўналиш — бу республикаимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш имконини берадиган замонавий инновацион лойиҳалар ва голярини ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодиётга кенг татбиқ этиш, деб ҳисоблаймиз.

"Адолат" СДПнинг сайловолди дастурида инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш масаласи устувор вазифа сифатида қайд этилган. Айнан инновацияларга асосланган иқтисодиёт мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқроқ рўёбга чикариш имконини беради. Шу боис, партияимиз иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, иш-

лаб чикаришни техник ва технология қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилайётган интилишларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз бу борада "Миллий инновация тизими"ни ишлаб чиқиш ва уни амалда ошириш зарур, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда амалга оширилайётган ислохотлар муваффақияти бевосита фуқароларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигига, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг қай даражада шаклланишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ахборотлашган жамият қуриш, бу борадаги қонунчиликни тақомиллаштириш йўналишидаги ишларни ҳам янада кучайтириш ниятида. Зеро, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашувини жадаллаштириш — ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларни муваффақиятли даромд эттиришга, қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларнинг бажарилишини назорат қилишга, ушбу жараёнда жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам беради.

Бугунги учун биз бугунги кунда вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантиришга, фуқароларнинг барча тоифаларини қамраб олган бошланғич партия ташкилотларининг вужудга келган тармоғини сифат жиҳатидан мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш ҳам фойдаланилмаётган имкониятларимиз ҳали жуда кўп. Булар ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишлари бўлиб, бу соҳаларда ҳудудий ташкилотларимиз орқали доимий, изчил иш олиб бораверамиз.

Бугунги кунда "Адолат" СДПда кенг тармоқли партия тизими вужудга келди. Ҳар бир туманда, ҳатто республикамизнинг энг олис ҳудудларида ҳам бошланғич партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сони 2800 тадан ошиб кетди. 80 мингга яқин аъзоларимиз эса мамлакатимизда Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида қилинаётган ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Партия ўз электорати ва голяриимизни қўллаб-қувватлаётган хайрихоҳ юрдошларимиз билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ОАВ орқали мунтазам чиқарилаб қилмоқда. Веб-сайтларимиз доимий равишда янгиликлар билан бойитиб борилаётди. Ўтган давр мобайнида партия сайтига минг-лаб кишиларнинг мурожаат қилгани ҳам фикримизга далил бўлиши мумкин. Мазкур ахборотларда "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий Аппарати, ижтимоий шериклари фаолияти, "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" томонидан амалга ошириётган ишлар қамраб олинган. Партиянинг нашрий органи — "Адолат" газетаси партия электорати ва кишиларнинг манфаатини маъбуд орқали ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Албатта, XXI асрнинг шиддатли даври барчамиздан ана шу даврга мос хатти-ҳаракатларни, ташаббусларни тақозо этмоқда. Чунки бугун кеаги кун талаблари билан яшаб бўлмайди. Шунинг учун биз партиянинг дастурий вазифалари аҳоли барча қатламларининг ижтимоий онгига етиб бориши, фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашни, партия обрў-нуфузини юксалтириш учун мафкуравий ва ахборот-тарғибот ишларини замонавий сийёсий технологиялардан кенг фойдаланиш ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилиш асосида янада кучайтиришни давом эттирамиз.



Кураш ва ғалабалар солномаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хар йили бу улуг байрам муносабати билан мустақиллик даврининг бетакрор тарихига айланиб бораётган яна бир шиддатли, сермазмун йилга назар ташлаймиз, жаҳон ҳамжамиятида Ватанимизнинг шон-шухрати, нуфузи, обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан фахрланамиз, йил бошида режалаштирган ишларимиз қандай амалга ошганини сарҳисоб қилиб, янги, янада юксак марраларни белгилаймиз. Мамлакатимизда янгича дунёқарашга эга бўлган, замонавий билимларни кунт билан эгалаётган, айна чоғда, ўзининг тарихий илдиларидан, улуг аждодларимиз қолдирган илмий ва маънавий меросдан яхши хабардор, миллий ва умуминсоний қадриятларни кўнглига жо қилган ёш баркамол авлод вояга етаётгани, уларнинг шижоатли меҳнати, ўқиш ва иزلаниши туфайли кўлга киритилаётган ютуқлари кўз ўнгимиздан ўтади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки қадамлари йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йиллигига тўғри келди. Бу даврининг шиддатли талотўплари, кескин ва мураккаб эврилишлари, қутилган ва қутилмаган бурилишлари ҳамон ёдимизда. Умри тугаб бораётган собиқ тузумнинг ғайриинсоний мафкуриси, ғайрихлоқий таъмоиллари ўз таъсирини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан уринаётган, иқтисод тамомила издан чиққан ва бунинг оқибатида турли муаммолар жамият ҳаётига қалқиб чиққан, одамларнинг турмуш-тарзига салбий таъсир кўрсатиб турган бир пайтда давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов халқимизнинг асрий орзу-интилишларидан, хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, 1991 йилнинг 31 августда Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб эълон қилди ва шу санадан эътиборан ҳар биримизнинг ҳаётимызда, миллат тарихида янги давр бошланди. Тилимиз, динимиз, қадим тарихимиз, маънавий-маърифий меросимиз ўзимизга қайтди. Йиллар, асрлар ўтади, авлодлар бир-бирларига йўл берадилар, аммо бу сана миллатни миллат, халқни халқ сифатида эътироф этувчи буюк сана, энг улуг ва энг азиз байрам сифатида ўз аҳамиятини асло йўқотмайди.

Инсоният янги йигирма биринчи асрга улуг ва эзгу ниётлар билан кадам қўйди. Яқунланаётган асрга хос бўлган кўпгина иллатлар, талотўплар, қирғинбарот урушлари, тинчлик-товуликка, аҳил-иноқликка раҳна солувчи ҳолатлар эски юз йилликда қолиб кетади деб умид қилди. Афсуски бундай бўлмади. Аксинча, бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш ҳаракатлари қайта куч олди. Дунёнинг турли минтақаларида қуролли можароларни келтириб чиқариш, нифоқлашаётган томонларни бир-бирига гиж-гижлаш ва бунинг оқибатида ўзга ҳудудлардаги ерости ва ерусти табиий бойликлариغا эгаллик қилиш ҳаракатлари бошланди. Бу ҳам етмаганидек, мафкуравий тарбияда юза-

га келган бўшлиқни эгаллаш мақсадида юртимизга турли ғаразли оқимлар, "оммавий маданият" никоби остида дунёқарашимизга, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ёт бўлган кўзга кўринмас иллатлар, маънавий айнишлар ҳаётимизга ёпирилди. Ахборот хуружлари, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш учун кураш авж олди. «Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор, — деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида. — Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳилини ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаси, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охиروқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз».

Тарихда бундай ҳолатлар кўп бўлган. Президент Ислоом Каримов халқни, миллатни ички ва ташқи хавф-хатарларга асло лоқайд бўлмасликка, дунёда турли мафкуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви кундан-кунга кескин тус олаётган бир пайтда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга даъват этди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки қадамлари мана шундай мураккаб шароитга тўғри келди. Давлатимиз раҳбари Олий Кенгашининг 1992 йил, 2 июлда бўлиб ўтган 12-сессияси минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзлари бу ҳолат тўғрисида жуда аниқ тасаввур беради: «Дунёга келган чакалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапол бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғил-



даоларимизнинг асосини ташкил этди. «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деган туйғу онг-шууримизга сингди. Шу туйғу билан қанчадан-қанча синовларни, мустақиллигимиз душманларнинг ғаразли фитнalarини енгиб ўтдик, жамиятда ҳукм сураётган тинчлик-товулик, аҳил-иноқлик, меҳр-

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», «Баркамол авлод йили», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» — бу номларнинг ўзиёқ миллий истиқлол ғоясининг асл муддаосини, инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиб турибди.

Истиқлол жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ҳаётда ўзини тўла намоён этиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, меҳнати самараларидан баҳраманд бўлиш, мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиш имкониятини яратди. Бунинг натижасини бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг турмуш тарзида, шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий кўринишида, илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунёни ҳайратга солаётган ёшларимизнинг ютуқларида ёшларимизнинг ютуқларида кўришимиз мумкин. Президент Ислоом Каримов раҳбарлиги остида истиқлолимизнинг илк қадамларидаёқ ўз йўлимызни аниқ-равшан белгилаб олганимиз ва энг оғир дамларда ҳам танлаган бу йўлимиздан қайтмаганимиз, сабр-бардош билан олға интилганимиз боис ҳам шундай улуг ғалабаларга эришдик.

Бугун мустақиллигимизнинг шонли йигирма йиллиги арафасида беихтиёр баъзи рақамлар ёдга тушади. Кейинги йигирма йиллик мустақил тараққиёт даврида мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, реал даромадлар эса 3,8 баробарни ташкил этди. Шу йиллар ичида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун давлат томонидан йўналтирилган харажатлар 5 баробар

ошди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий, молиявий танглик ҳолатлари натижа-сида ижтимоий ҳимоя дастурлари, ишчи ўринлари қисқараётган, иқтисодий ривожланиш сезиларли даражада пасаяётган бир пайтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари аввалдан режалаштирилган даражада бўлаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз Ислоом Каримовнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг жуда узоқ йилларга мўлжалланган бош йўналишини белгилаб берди.

Концепцияда илгари сурилган ғоялар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги давр бошланаётганини кўрсатди. Шу боисдан ҳам уни ўрганиш, маъно-моҳиятини англаш, жамият олдига қўйлаётган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш умумхалқ ишига айланди.

Концепцияда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, юртимизда кўппартиявийлик тизими бундан бунён ҳам мустақамлаб боришга алоҳида эътибор берилган. Бу икки вазифа ўзаро боғлиқ бўлиб, миллий истиқлол даврининг маҳсули бўлмиш кўппартиявийлик шароитида партиялараро рақобатни йўлга қўйиш, бу курашнинг жамият тараққиёт манфаатларига мос соғлом характери ташминлаш кўп жиҳатдан партия аъзолари ҳамда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Бундан англашиладиган ҳулоса шуки, ҳар бир партия, жумладан, «Адолат» социал-демократик партияси ўз сафларини сиёсий-ҳуқуқий маданият жиҳатидан етук, давлатимиз раҳбарининг нутқ ва маърузаларида илгари сурилган ғояларни чуқур ўзлаштирган, жамият олдидаги дозарб вазифаларни аниқ тасаввур этадиган кишилар, айниқса, ёшлар билан янада кенгрок мустахкамлаши, аҳоли турли қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини қўчайтириши лозим бўлади.

Йигирма йил. Тарих нуқтаи назаридан жуда оз фурсат. Аммо инсоннинг умри у яшган йиллар саного билан ўлчанмаганидек, мустақиллик шароитида мамлакатимизда муҳтарама Президентимиз Ислоом Каримов раҳбарлиги остида амалга оширилган ишларнинг тарихий аҳамиятини, Ўзбекистоннинг дунё мекёсидаги бугунги салоҳиятини, халқимизнинг бугунги онг-шуурини шу икки ўн йиллик солномасига сиғдириш қийин. Мустақиллик даврининг ҳар бир кунини миллий ривожланиш, кўпмиллатли мамлакатимизда тинчлик-товуликни; диний бағрикенгликни таъминлаш, янги авлодни вояга етказиш йўлидаги кескин, муросасиз курашларга, оламшумул ғалабаларга бой бўлди десак, асло муболаға бўлмайди. Бу ғалабалар халқимизга, ҳар биримизга бундан кейин ҳам ҳаммиса ёр бўлсин, Озод ва Обод Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин!

Истиқлол жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ҳаётда ўзини тўла намоён этиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, меҳнати самараларидан баҳраманд бўлиш, мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиш имкониятини яратди. Бунинг натижасини бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг турмуш тарзида, шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий кўринишида, илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунёни ҳайратга солаётган ёшларимизнинг ютуқларида кўришимиз мумкин.

ган кунёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамызни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда яна қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади. Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўнатиш маънавий, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади...

Биз айна шундай йўлни танладик. Президентимизнинг «борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш», «ҳеч кимдан кам бўлмаслик ва ҳеч кимга қарам бўлмаслик» шиори мақсад-муд-

оқибат, ижтимоий фаоллигимиз, миллат тақдирини учун масъуллик ҳисси эришган оламшумул ғалабаларимизга пойдевор бўлди, деб бемалол айта оламиз.

Истиқлол солномасига назар ташлаган киши мустақиллик йилларида кириб келаётган ҳар бир йилга ном бериш, бутун куч ва имкониятларни ягона мақсад сари йўналтириш, аввалдан йиллардан пухта режа асосида иш қўриш яъни аънава айланганига эътибор бемаради. «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр ва мурувват йили», «Сихат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили»,



Партия ҳаёти

Фарҳод ЭСОНОВ,
Илёс САХАТОВ,
Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,
«Adolat» мухбирлари.

Сиёсий партияларга

Мустақиллик — улғу нсътат, бебаҳо бойлик. Бу пурмаъно тушунчалар моҳиятини бугунги кунда юртдошларимиз чуқур англаб етдилар. Мустақиллик ҳаётимизни, дунёқарашимизни ўзгартирди. Дунёга, ён-атрофимизга янада тегна назар ташлашга ўргатди. Қадриятларимизни қайтариб берди. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмади. Қанча довлар, хавфу хатарлар, тўсиқлар, қийинчиликлар... Истиқлолнинг илк йиллариданоқ муҳтарам Юртбошимиз олиб борган доно сиёсат, халқимизнинг матонати бу тўсиқларнинг барчасини мардонавор энгиб ўтиш имконини берди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида халқимиз осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад муҳасам эди. Бугун бунёдкорлик, яратувчанлик куч-гайрати билан яшаётганимиз, эзгу орзу-умидлар ҳаваси билан нафас олаётганимизнинг асл сабаби ҳам шунда. Бундай масканга тўй ярашади, бундай масканга байрам, шоду хуррамлик ярашади...

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик шонли санасини эзр кувонч билан, илғор гоё ва тақлифларни илғари суришдек фаоллик билан қарши олмақда. Буни биргина партия Сиёсий Кенгаши Марказий Аппарати ташаббуси билан қўлтуғ санага бағишланган «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ташкил қилинган байрамона рўхдаги тадбир мисолида кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган ўшбу тадбирда парламент кўйи палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, ҳудудий партия Кенгашлари раислари, халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаш депутатлари, партиянинг «Аёллар қаноти» ҳамда «Еш адолатчилар» ташкилотлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок эттиди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров даставвал, йиғилганларни истиқлолнинг 20 йиллиги билан қизгин муборақбод этди. «Истиқлолнинг 20 йиллик ислохотлари ва уларни амалга оширишда Ўзбекистон «Адолат» СДП иштироки» мавзусидаги маърузасида мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, сиёсий партияларнинг шаклланиш бошқичлари, уларнинг, хусусан, «Адолат» СДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ошиб бораётган ўрни хусусида батафсил маълумот берди.

— Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгилаш, жамиятни либераллаштириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди, — деди нотик. — Пировардда кўп партиявийлик тизими тобора мустаҳкамланиб, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва

ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш заруратини вужудга келтирди. Мухтарам Юртбошимиз бу ҳақда парламент палаталарининг қўшма мажлисида баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Айниқса, ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилишда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти оширилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Концепциянинг сиёсий партияларнинг ролини ва тасвири янада кучайтиришга, — давом этди нотик, — сиёсий партиялар орқали халқимизнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини демократлаштиришга бағишланган биринчи йўналишга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Қонуни қабул қилиниб, кучга кирди. Қонун парламент сайловида голиб чиққан партияга Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқини бераётгани боис сиёсий партияларнинг, хусусан, «Адолат» СДПдан ҳар қачонгидан ҳам фаол, ташаббускор бўлишини талаб этмоқда. Бир нарсани унутмаслигимиз керак, кўртимизда сиёсий партияларнинг билдирилаётган ишонч шунчаки демократик андозалар тақозоси эмас, балки жамиятда юзага келаётган объектив зарурат натижасидир.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ва демократлаштириш жараёнларидаги иштироки янада кучайтириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Чунончи, Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси марказий ва маҳаллий



Н.ХАЙДАРОВ ва Р.НАЗАРМАТОВ олган суратлар

органларининг ишини фаоллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда унинг ролини кучайтириш, шунингдек, партиянинг аҳоли ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури» фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП мамлакатимиз истиқлолнинг шонли 20 йиллигини муносиб қарши олиш, партия мақсад ва гоёларини янада кенг-роқ тарғиб этиш мақсадида бир қанча кўрик-танловларини эълон қилган эди. Шу кун тадбирда танловлар голиблари эълон қилиниб, мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Айтиш керакки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан, қолаверса, партия дастурий вазифаларини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳамда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи «Мадад» суғурта агентлиги ҳамкорлигида «Энг яхши ижтимоий бизнес-гоё» кўрик-танлови очиклик, шаффоқлик, рақобат таъминлиги асосида ўтказилди.

— Айни вақтда сиёсий партиялар олдида турган асосий вазифалардан бири — бу партиянинг ўз электорати манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини турли давлат, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда, ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйган ҳолда қатъий ҳимоя қилишдан иборат, — деди партия Марказий Аппарати раҳбари Р.Хайдаров. — «Энг яхши ижтимоий бизнес-гоё» кўрик-танловининг ҳам асл моҳияти ана шунда. Танловдан қўзланган асосий мақсадлардан бири партиянинг дастурида белгиланган вазифаларга ва замон талабига жавоб берадиган бизнес ва тадбиркорлик инфратузилмаларини яратиш мақсадида банк, лизинг, бошқа кредитлаш ташкилотлари ҳамда суғурта ташкилотлари имкониятларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тарғиб қилиш ва улар имкониятларидан фойдаланишга қўмақ бериш, шунингдек, голибларни оталиққа олиш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

«Сув ўтларини ўстиришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш лаборатория марказини ташкиллаштириш» мавзусидаги иши билан қатнашган Тошкент кимё-технологиялари институти талабаси Шавкат Азимов «Энг яхши ижтимоий биз-

нес-гоё» танловининг голиби деб топилди. Иккинчи ўрин «Куёшдан электр энергия олишнинг янгича усули» лойиҳаси билан иштирок этган Наманган Давлат университети талабаси Ҳақима Тўрабоевага насиб этган бўлса, учинчи ўринга ўртачирчилик Мурод Менглиевнинг «Чикиндидан биогаз ва биоўғит олиш» бизнес-гоёси лойиҳа деб топилди. Уларга фахрий ёрлик, сертификат ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ҳудудий партия ташкилотлари қошидаги матбуот хизмати фаолиятини жонлантириш, матбуот котибларининг масъулиятини ошириш ва ишга янгича муносабат, ўзаро рақобат кўникмасини уйғотишга қаратилган Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари матбуот котиблари ўртасида ўтказилган «Энг яхши матбуот котиби — 2011» кўрик-танловининг голиблари ҳам эълон қилинди. Унга кўра Тошкент вилояти партия Кенгаши матбуот котиби Бобур Отамуродов биринчи ўринга лойиҳа деб топилди, диплом ҳамда ноутбук билан тақдирланди. Иккинчи ўринга Тошкент шаҳар ҳамда Бухоро вилояти партия Кенгашлари матбуот котиблари Жасур Кенгбоев ва Моҳиғул Назаровалар сазовор бўлган бўлса, учинчи ўрин Андижон ва Хоразм вилояти партия Кенгашлари матбуот котиблари Акмал Назаров ҳамда Замира Абдуллаевага насиб этди. Улар диплом, замонавий фотоаппарат ва диктофон каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.


Ҳудудий партия ташкилотларининг ўз фаолиятларини ёритиб берувчи материалларни мустақил равишда нашр этириш имкониятларини кенгайтириш ва партия гоёларининг тарғиботида улардан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган «Энг намунали партия буклети» кўрик-танлови голиби — партиянинг Сирдарё вилояти Кенгашига компьютер жамланмаси ҳам тантанали суратда топширилди.

Шунингдек, тадбир доирасида партиянинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгашлари томонидан энг намунали партия ташкилотлари (тузем кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари) ҳам фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ақбар РАҲИМОВ,
партия фахрийси:

— Мустақиллигимиз кундан-кунга мустаҳкамланиб, ривож-

ланиб бормоқда. Бугун Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида жаҳон тан олди, катта-катта давлатлар бизлар билан ҳисоблашадиган бўлишди. Чет эл инвестицияларига қулай йўл очилди. Айниқса, нефть ва газ йўналиши бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилувчиларнинг сон-саногини йўқ. Бугун мам-



лакатимизда қанчадан-қанча чет эл фирмалари, қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ҳар иккала томон манфаат кўрмоқда. Бир қанча хорижий мамлакатларнинг университетларининг филиаллари ишламоқда. Унда фарзандларимиз чет тилларни мукамал эгаллаб, жаҳоннинг илғор технологияларга асосланган таълим ютуқларидан баҳраманд бўлишяпти.

Бундай бунёдкорлик дастурларини амалга оширишда, бозор иқтисодиётига танган фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партиялар, айниқса, «Адолат» партиясининг ҳам ўз ўрни бор. Партия сиёсий майдонга чиққан илк кунларданок ижтимоий адолат гоёси тамойилини илғари суриб, мамлакатда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда фаол иштирок этиш келмоқда ва аҳолининг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини инфодаловчи жипслашган куч сифатида ўзини кўрсата олди. Партия вакилларининг қонунчилик соҳасидаги фаолияти, ташаббуслари, аҳоли ва электрот билан ишлаш тажрибаси, республика миқёсида ташкил этаётган турли кўрик-танловлар, буларнинг барчаси ортирилган тажриба махсулидир. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида партия сафдошларининг йиғилиши, биз партия фахрийларини бениҳоят шодлантирмоқда.



билдирилаётган ишонч

шунчаки демократик андозалар тақозоси эмас, балки жамиятда юзага келаётган объектив зарурат натижасидир



Бобир ОТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти Кенгаши
матбуот котиби:

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида сиёсий партиялар ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Барча сиёсий партияларнинг ўз электорати, хайрихоҳлари ҳамда партия гоёларини қўллаб-қувватловчи тарафдорлари бор. Бу эса бевосита мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида шу соҳада улкан ислохотлар амалга оширилаётганлигидан далолатдир. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва унинг куйи бўғинларида ҳам бугунги кунда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Партияимиз нафақат ижтимоий-сиёсий масалалар, балки тадбиркорлик ва хусусий бизнесни шакллантириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти Кенгаши томонидан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида бу йўналишда ўнлаб амалий, ҳам назарий тадбирлар ташкил этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри матбуот хизматлари ўртасида ташкил этилган танловда голиб чиқишимнинг асл сабаби ҳам Тошкент вилояти Кенгашида самарали ишлар олиб борилаётганлигининг нишониси, деб биламан. Бу ютук бизга билдирилган катта ишонч, камтарона хизматларимизга берилган юксак баҳо ҳисобланади.

Шавкат АЗИМОВ,
«Энг яхши ижтимоий
инновацион бизнес гоё»
танлови голиби:



— Юртбошимизнинг бизларга оталарча ғамхўрликлари, ўқиб изланиш учун муносиб шарт-шароит, тинч-осуда ҳаёт, фаровонлик яратилгани истиқлол берган нёъматдир. Ана шу имкониятлардан унумли фой-

даланиш орқалигина юксак марраларни забт этмоқдамиз. Замоनावий илм-фан ва техника ютуқлари, илғор инновацион гоёлар, технологиялар ва ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилиши юқори самара беришини халқро тажриба исботлаб келмоқда. Мамлакатимизда ҳам инновация туридаги иқтисодий шакллантириш масаласига ўта муҳим ва долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда аниқ чоратадбирлар белгиланиб, инновацион технологияларни жорий этиш учун кенг қўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Худди шу мақсадда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ташкиллаштирилган танловига ўзининг «Сув ўтлари»ни ўстиришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш лабо-



(SPARE) доирасида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган республика кўрик танловига «Куйёш» электр энергияси олишнинг янги усули» номли лойиҳам билан 1-ўринни, ушбу



ратория марказини ташкиллаштириш» мавзусидаги иш билан қатнашиб, голиб бўлдим. Партия сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби масалалар ҳам устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Эндilikда бу ютук билан чекланиб қолмасдан, келгуси фаолиятимизда партия сайловолди дастурига ҳамоҳанг тарзда ишнинг ривожлантиришга ҳаракат қиламан. Ушбу ишланмам истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйига тўёна бўлди.

Ҳақимахон Тўрабоева,
НамДУ талабаси:

— Шундай бир улуг диёрда яшамоқдамизки, унда биз ёшларга энг замонавий шарт-шароитларда таълим олиш, ўз билим ва иқтидоримизни намоен қилиш, яратувчилик салоҳиятимизни амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилган. Мен ҳам шу муқаддас Ватаннинг фарзанди сифатида Юртбошимизнинг бизга бўлган ғамхўрликларини оқлашга, ажодларимизга муносиб ворис бўлишга, мамлакатимиз тараққиётига ўз саъй-ҳаракатларим билан ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдаман. Ёшлигимдан муқобил энергия манбалари гоёсига бўлган қизиқишим тўғрисида бу борада янги ускуна яратиш устида изланишлар олиб бормоқдаман. Тадқиқотларим самараси ўлароқ 2007 йилда Норвегия Табиат ресурс ва энергияларини асраш Халқаро Жамиятининг «Мақтабда ўқувчиларга ресурс ва энергиялардан фойдаланишни ўргатиш Дастури»

кўрик танловнинг Норвегиянинг Осло шаҳрида ўтказилган халқро босқичида 3-ўринни қўлга киритдим. 2008 йилда Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми жамғармаси томонидан ўтказилган «Келажак овози» республика танловига «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес реўжи» номинацияси бўйича 1-ўринни қўлга киритдим. 2009 йилда Республика Савдо-санотат палатаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамда Британия Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Энг яхши инновацион фикр» кўрик танловининг республика босқичида 1-ўринга лойиқ топилдим. 2010 йилда эса «Йилнинг энг иқтидорли ўқувчиси» бўлдим. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастури билан танишганимда партиянинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаётгани диққатимни тортиди. Шундан сўнг «Ёш адолатчилар» қаноти сафида партия томонидан эълон қилинган «Энг яхши ижтимоий инновацион бизнес гоё» кўрик танловига ўз лойиҳаларимни тақдим этдим ва 2-ўринни қўлга киритдим. Эндilikда ўз саъй-ҳаракатларим билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси орқали намоен қилмоқчиман.

Тадбирнинг иккинчи қисмида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент ва Сирдарё вилоятлари Кенгашлари фаоллари учун «Демократик ислохотларнинг янги босқичида Ўзбекистон «Адолат» СДПни ташкилий жиҳатдан мустақамлаш» мавзусида минтақавий семинар ҳам бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор демократик ривожланишининг янги босқичида партия олдида турган долзарб вазифалар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйлаётган камчиликлар, худудий партия

ташкilotлари ишини янада жонлантириш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда истиқболга режалаштирилган аниқ мақсадлар ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизминини ишлаб чиқиш каби масалаларга қаратилди.

— Бугун «Адолат» СДП мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида фаол иштирок этаётган рақобатбардор сиёсий куч сифатида ўз позицияси ва сайловолди дастурларини амалга оширишда ўз саъй-ҳаракатларини тобора жадаллаштириб бормоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Қ.Жўраев. — Мамлакатимизда демократик тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар фаолиятимизнинг бош мезонига айланди. Айниқса, Концепцияга мувофиқ Конституцияимизга киритилган ўзгаришларга кўра, Бош вазирнинг парламент олдида ҳисобот берганлиги қонун чiqарувчи орган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг таркибидаги сиёсий партиялар фракцияларига ҳам катта ваколатлар ва ўз ўрнида катта масъулият юклаганлигидан далолатдир.

Таъкидландики, ислохотларнинг навбатдаги босқичида партия электорати манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, сайловолди платформадаги гоёларнинг амалиётда ўз аксини топишига эришиш, қонун ижодкорлиги борасидаги фаолиятда ва берилган ваколатларга кўра ихро ҳокимияти усти-

сони 8,5 минг нафардан ортиб кетди. Йил охирига қадар аъзоларимиз сонини 11 минг нафарга етказмоқчимиз. Лекин бу билан фаолиятимизда тўлиқ самарага эришдик, деб айта олмаيمиз. Вилоятимиз худудининг кенглиги ва салоҳиятини инобатга оладиган бўлсак, ҳали айрим туман ва шаҳарларда партия аъзолари сони ва сифатининг ўсиши, бошланғич партия ташкилотларининг фаоллашувида фойдаланилмаётган имкониятларимиз жуда кўп.

Бунинг учун ҳар бир туман, шаҳар партия кенгаши, қорхона ва ташкилот, маҳаллаларда бўлиб, партиянинг тарғибот-ташвиқот ишларини, тадбирлар доирасини кенгайтириб боришимиз керак. Шундагина партия фаолиятининг натижаси кўринади, дея таъкидланди семинарда.

Шуни ҳам таъкидлаб жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ва ташкилотлари фаоллари партия Уставида белгиланган вазифаларни тўлиқ бажариш учун ташкилий тузилмани ривожлантириш, ўз сафларига ижтимоий адолат ва демократик гоёлар тамойилларини қувватловчи янги тарафдорларни жалб этиш, шаҳар ва туманлар, маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли билан янада фаолроқ иш олиб боришни давом эттирмоқда.

Шунингдек, вилоят, туман, ва шаҳарлар партия кенгашларининг кадрлар захираси қайта кўриб чиқилди. БПТ фаолиятини янада такомиллаштириш, ўзаро тажриба алмашиш, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни, маҳалла фуқаролар йиғинларини билан алоқаларини мустақамлашга эътибор қаратиш борасида тавсиялар берилди. Туман ва шаҳар кен-



дан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатишда янада ташаббускор бўлиш куйи палата ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган навбатдаги сайловларда муносиб номзодларнинг сайланишига замин яратлади.

— Вилоят Кенгашимиз томонидан аниқ белгиланган чоратадбирларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида муайян натижаларга эришдик, — деди партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши раиси К.Шодиметов. — Аҳоли орасида олиб борган тарғибот, ташвиқот тадбирларимиз натижасида аъзоларимиз сони ошиб бормоқда. Хусусан, йил бошида аъзоларимиз 5700 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг

гашлари ўз таркибида бўлган БПТлар фаолиятини мунтазам назорат қилишлари, аъзолик бадалларини ўз вақтида ўндиришлари, лозим бўлганда уларни рағбатлантириш боришлари, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг сиёсий савиясини янада ошириш борасидаги аниқ чоратадбирлар режасини янада такомиллаштириш борасида ўзаро тажриба алмашинилди.

Ўқув семинар сўнггида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жойлардаги барча ташкилотлари томонидан истиқлолимизнинг 20 йиллигини муносиб нишонлаш ҳамда янги босқичга кирган демократик ислохотлар жараёнида партия фаолиятини тубдан ўзгартириш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.



Ватанимиз ўз мустақиллигининг 20 йиллигини катта шодликлар билан нишонлаш арафасида турган айти кунларда юртимизда ўтган давр мобайнида улкан ўзгаришлар юз берганлигини кўз олдимиждан ўтказиш жоизлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Албатта, бундай ўзгаришлар замирида мамлакатимиз Президентни Ислоҳ Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришнинг ўзига хос йўли — «ўзбек модели»нинг ишлаб чиқилиши, уни амалга оширишга доир ислохотлар ётади. Юртимиз томонидан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг беш тамойили ишлаб чиқилгани ва улар ислохотларнинг асосий концептуал доктринаси қилиб олингани, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг «ўзбек модели»га хос ислохотларга асосий негиз сифатида қабул қилинган мамлакатимизнинг қисқа давр ичидаги асрларга татигулик йўлини босиб ўтишини таъминлади деб марғур айта оламиз.



Депутат минбари

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мулофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси, «Адолат» СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси.

Тинчлик ва барқарорлик — мустақил тараққиёт пойдевори

Бугун дунёда беш мингга яқин тил, икки мингдан зиёд миллат, икки юздан ортиқ давлат бўлса-да, улар орасида ўз қиёфаси, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўз ўрни ва мавқеига эга бўлганлар қатори ҳалигача ўз йўлини, тараққиёт шакли-шамойилини белгилаётган давлатлар қанчадан-қанча? Зеро, Ўзбекистон айрим давлатлар каби у ёки бу йўналишда кимларгадир эргашмади, балки ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини оқилона танлаб, шу йўлда собитқадам илгариллаб бормоқда.

Бугун мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, энг аввало, ислохотларнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганлиги; қатор стратегик йўналишларда, хусусан, ҳарбий, энергетика ва озиқ-овқат соҳаларида тўлиқ мустақиллик ўрнатилганлиги; макроиктисодий барқарорликка эришилганлиги ва барқарор иктисодий ўсиш суратлари таъминланганлиги; миллий кадриятлар қайта тикланганлиги; тарихан қисқа даврда собиқ иттифоқдаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизмини ўрнида миллий давлатчилик аъёнлари тикланганлиги; парламентаризмнинг ривожланиши; демократик сайлов тизими шаклланиши; кўппартиявийлик тамойилининг қарор топганлиги ва сиёсий партияларнинг юксалганлиги каби муваффақиятларимизни ургу билан санаб ўтиш мақсада мувофиқдир.

Мустақиллик даврида шаклланган ва бугун тобора юксалиб бораётган мамлакатимиз нуфузи, шубҳасиз, юрtdошларимиз тафаккури ўзгараётгани ва уларнинг ислохотларга дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганида ҳам аяққол кўзга ташланмоқда. Янгича тафаккур, замонавий дунёқараш билан улғаяётган баркамол авлод ҳам юксак маънавият тамойиллари устувор бўлган юрт фарзандлари эканидан фахр-ифтихор туйғусини ҳис этмоқдалар.

Шунингдек, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган кенг миқёсли ислохотлар ҳақида гапирганимизда, замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Мулофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида мазмунан ва моҳиятан янги тамойиллар буйича Қуролли Кучларни ташкил қилиш ва ислохот этиш дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги, чегараларимиз дахлсизлигига ҳар қандай тажовузарга муносиб зарба бера оладиган, стратегик ва тактик вазифаларни юқори даражада ҳал қила оладиган, яхши қуролланган, профессионал, сон жиҳатидан катта бўлган, лекин тезкор Қуролли Кучларни шакллантириш ушбу дастурнинг асосий вазифалари қилиб белгиланди ва бу вазифалар ўтган 20 йиллик тараққиётимиз давомида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати бир йилгача қаматирилди, ҳарбий қисмларнинг таркиби сифат жиҳатдан ўзгарди, қўшинларни комплектация

қилиш ва уларни зарур қурол-яроғлар билан таъминлаш тизими кучайтирилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш жараёнлари ниҳоятга етди. Президентимиз ташаббуси билан сержантлар тайёрлаш мактабларини ташкил қилиш ва уларни замонавий ўқув-жангвор жиҳозлари билан таъминлаш Қуролли Кучларнинг жангвор тайёрлаганини тубдан оширди, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳит вужудга келди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролари Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишини нафақат фуқаролик бурчи сифатида, шу билан бирга энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқдалар. Кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга қақриш танлов асосида ўтказилаётганлиги бунинг аяққол далилидир. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассислигини эгаллаш билан чекланаётганлари йўқ. Улар ҳам жисмонан, ҳам маънан чиникиб, қатъий иродага ва ҳаётий позицияга ҳам эга бўлмоқдалар.

Бу ютуқларнинг туб замирида, албатта, тинчлик деб аталувчи улғу неъмат ётади. Бир тасаввур қилайлик, юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмаганда, бу ютуқларга эришган бўлармикди? Йўқ, албатта.

Шу боис, Ўзбекистон нафақат ўз ҳудудида, балки бутун минтақада тинчлик ва хавфсизлики таъминлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Афғонистон муаммоси ечимида жафоқаш афғон заминига тинчликни ўрнатишдек қатор муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Аср вабоси бўлган терроризм, диний экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишда, Марказий Осиё минтақасидаги экологик муаммоларни ечишда ўзининг бир қатор тақлиф ва ташаббуслари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан, экологик хавфларни бартафот этиш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш буйича ҳар томонлама асосланган конкрет тақлифларни ўртага қўймоқдаки, уларни тўла амалга ошириш йўлида астойдил саъй-ҳаракат ҳам қилмоқда.

Ватан — ота-боболаримизнинг муборока хоклари ётган табаруқ замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга қўйиб қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир, дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо ҳазинамиздир. Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз, Ўзбекистонимизни улғулаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш — энг олий мақсадимиз бўлиб, бу йўлда фидойи бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

ИСТИҚЛОЛ — аёллар иқболини баланд кўтарди

Энг улғу, энг азиз, энг қадрли ва муқаддас бўлган Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик юбилейини тантанали нишонлаш арафасида турибмиз.

Бу қисқа давр ичида муқаддас заминимизда мазмун ва моҳияти жиҳатидан асрларга татигулик оламшумул ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон эришган ютуқларини санаб адоғига етиш мушқул. Шу ютуқлар орасида ўзбек аёллари, ўзбек оналари ва фарзандлари ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, оилаларни, айниқса, кам таъминланган ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ислохотларни эсламасликнинг иложи йўқ.



Эътироф

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, «Адолат» СДП Аёллар Кенгаши раиси.

Биз, ўзбек аёлларининг иқболимиз баланд экан. Чунки, бизларнинг бошимизда ҳамisha гамхўрлик ва жонқуярлик қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган халқларвар, фидойи ва адолатли Президентимиз бор. Ушбу жаннатмакон юрtdа истиқомат қилаётганимиздан ва шу юрт равнақи учун бир оддий фуқаро, ўзбек аёли, она сифатида ўзимнинг камтарона хиссамни қўшишга муяссар эканлигимдан қалбим гурур ва ифтихорга тўла...

Ҳа, мустақиллик бизга ўзлгимизни, тилимизни, динимизни, буюк тарихимизни, аждодларимиз меросини, она заминимизни — Ватанимизни қайтариб берди. Мустақиллик тўғрисида оиламиз тинч, юртимиз обод, осийшга ва саришта, мустақиллик тўғрисида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини оширишга энг аввало, давлатимиз раҳбарининг шахсий ташаббуси ва эътибори тўғрисида эришилди. Истиқлол шарофати билан аёлнинг замонамизга хос даражада ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий онгини юксалтириш орқали унинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш, дахлдорлигини ошириш, ундаги салоҳиятини намоён этилиши учун реал имконият яратиш амалда рўёбга чиқди. Мустақиллик йилларида хотин-қизлар, она ва бола масалалари давлатимиз сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда. Чунки, жамиятнинг асосий «кўзгуси», «индикатори» — бу, аёллар, аёл тинч — оила тинч, фарзандлар тарбияси жойида, оила тинч — жамият тинч. Бу, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

«Адолат» — ҳаётимизнинг бош мезони — широри остида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон «Адолат» СДП нафақат ўз электорати, балки бутун жамият аъзолари манфаатларини тенг асосда ҳимоя қилиш тарафдори ва шунга интиломоқда. Ўз эзгу амалларини рўёбга чиқаришда партия хотин-қизларнинг ишончли омил эканлигини тан олади ва аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини, нуфузини оширишга имкон қадар қўмақлашиб келмоқда. Зеро, аёллар ўз табиатларига қўра, адолатпарвар инсонлардир. Ҳаётнинг бошланиши, ҳаётнинг мазмуни жамиятда жуда катта салоҳиятга эга бўлган аёллар билангина тўқис, тўлақонли эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган. Шунинг баробарида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб — 1995 йилнинг 6 майида БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция»ни ратификация қилди. Умуман, мустақиллик йилларида Ўзбекистон хотин-қизларга тааллуқли ўнлаб халқаро Конвенциялар ва декларацияларга қўшилди. Мамлакатимиз Парламенти томонидан юртимиз хотин-қизлари манфаатларини, оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари юзасидан юзга яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат муқофотини таъсис этиш

буйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (1999 йил 10 июнь) Фармони мамлакатимиз хотин-қизларининг адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳалари буйича иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг бари республикамизда аёлларнинг жамиятдаги роли ва ўрнини юксалтиришга қаратилган катта эътибор ва гамхўрликдан далолатдир.

Маълумки, Олий Мажлисининг XV сессиясида «Сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Парламентида сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар учун 30 фоизлик квота белгиланган эди. Бу, мустақиллик шариотида давлатимиз гендер сиёсатидаги улкан ютуқ, аёллар манфаати нуктаи назаридан жуда катта имкониятдир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ушбу имкониятдан унумли фойдалангани боис, 2004 йилнинг декабри ойида бўлиб ўтган сайловларда партия сафидан 3 нафар аёл Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган бўлса, 2009 йилнинг декабрида бўлиб ўтган навбатдаги сайловларда ушбу кўрсаткич 7 нафарга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мавжуд партиялар фракциялари ичида энг кичиги бўлишига қарамастан, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси таркибида аёл депутатлар сони энг кўпчиликти ташкил қилади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, ҳар қандай мамлакатда ижтимоий масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аёллар фаол бўлган, хотин-қизлардан раҳбарлар сони кўп бўлган давлатларда ижтимоий муаммоларнинг оқилона ечимини топиш осон кечади, айниқса, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимида. Шу боисдан, Ўзбекистон «Адолат» СДП салоҳиятли, чўқур билим ва малакага эга бўлган хотин-қизларнинг давлат ҳокимиятининг барча жабҳалари ва даражаларида тенг ва фаол иштирокини таъминлаш тарафдори ва ўз сафида турли даражадаги аёл депутатлар сони янада кўпайтириш орқали уларни жамият тараққиётига, ҳаётга кенг жалб қилишга ҳаракат қилиб келмоқда.

«Кучли давлатдан кучли жамият сари» дадил интилар эканмиз, «Адолат» СДП хотин-қизлар ва ёшлар орасида оlib бораётган сиёсатида, оддий қилиб айтганда, бугунги сёрташвиш замоннинг пасту баландини инобатга олган ҳолда, айнан ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси борасидаги бурчига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Зеро, замонамиз ёшларининг қомил инсон бўлиб етишишлари учун жамиятимизда шароити ҳам, имконияти ҳам бисёр, ундан фойдалана билиш ҳар бир оиланинг, ота-онанинг нафақат хоҳиш-иродасига, балки савиясига, маҳорати ва маънавиятига боғлиқ.



Кўшиқларда улуғланган, қалбларда ардоқланган, меҳнат ила эъзозланган САМАРҚАНД бу!

Зоҳир Тўрақулов,
«Adolat» мухбири.

Жайхун дарёсининг ортида Аллоҳ яратган ери бепоён, суви мўл бир шаҳар борки, ул шаҳарни Худонинг ўзи асраган. Дарвозаларининг ҳар бирида 5 мингтадан фаришталари бўлиб, қанотларини кенг ёзган ҳолда шаҳар аҳолисини ёмон кўзлардан асраб туради. Шаҳарнинг суви оқ, ширин, тоза, мазали. Шу сувдан ичган ҳар бир одам ўзини сархуш сезади, кимки шу сувда тўла-тўқис ювинса, шу ондаёқ онадан туғилгандек гуноҳларидан фориғ бўлади.

Абдул Ҳақим Самарқандий (XII аср)

Дунё харитасида шаҳарлар кўп. Париж, Рим, Барселона, Лондон... Шаҳарлар улғаяверади, юксалаверади, баланд иморатлари, зебу зийнатлари, осор-у атикалари билан дунё аҳлини ҳайратга солаверади. Аммо жажоний ҳайратлар шодасида битта шаҳар борки, у ўзининг покиза табияти, ноёб ўтмиши, бой маданияти, юлдузлардек сержило заковати билан абадиятга мангу дахлдордир. Бу — ранго-ранг миноралари само рангига қоришиб мафтункор тус олган кўна ва ҳамиса навқирон Самарқанд!

Истиқлол қалби обод, қаҳри баланд бу мафтункор шаҳарни янада гўзаллаштирди, унинг сиймосига янги, мукаммал оройишлар битди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуслари билан ишлаб чиқилган Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг бош режаси манфатдорлик ва масъулият билан амалга ошириладигани боис меъморчиликдан тортиб йўл-созлик, коммуникация тармоқларини буткул янгилаш, сайёҳлик манзилгоҳларини барпо этишгача бўлган жараёнлар босқичма-босқич зўр маҳорат билан ниҳоясига етказилмоқда.

Бош режа асосида олиб берилган қурилиш-ободончиликлар тўғрисида Самарқанднинг кўна шаҳар қисми янада салобатли қиёфа касб этди. Ғури Амир ва Рухобод мақбараларига туташ жойда 4 гектарлик кўркам хиёбон барпо этилди. Регистон атрофидаги пасткам биналардан воз кечилиб, янги лойиҳа асосида чиройли расаталар бунёд қилингани, 3 гек-

нинг барча манзилгоҳларида зўр иштиёқ билан давом эттирилляпти, шаҳарликларни бу кўхна заминни яшартиришга ундаяпти, десак муболага бўлмас. Шаҳар ҳудудида жами 127 гектарли яшил майсазор барпо этилгани, 250 минг тул нодир дарахт ва гул кўчатлари ўтказилгани ана шу ташаббускорликнинг амалий исботидир.

Шаҳарнинг Регистон, Тошкент, Беруний, Улугбек, Бўстонсарой, Спитамен кўчалари тубдан қайта таъмирланиб, кенгайтирилгани ва улар атрофида 140 дан зиёд янги тураржой, маъмурий, савдо-маиший хизмат кўрсатиш биналари қад ростлагани, кўча-ю чорраҳалар, рақамли бошқарувга мослашган светофорлар, тунги ёриткичлар билан жиҳозланганлиги ҳам Самарқандни обод, замонавий қиёфада қўришни истаган шаҳарлик қурувчи-муҳандисларнинг ҳамкорлиги,




ҳамфирклиги натижасидир.

Шаҳар дарвозаси ҳисобланган Самарқанд аэропорти, темир йўл вокзали биналари тубдан қайта реконструкция қилингани, янги санъат ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, гўзал фавворалар бунёд этилгани аллақачон минглаб хорихий сайёҳлар, меҳмонлар назарига тушиб уларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Хуррият шукуҳидан яшарган Самарқанд ва қалби покиза, меҳмондўст, иши саришта самарқандликлар ҳақида гапирганда, унинг обод маҳалла-ю гузарлари, зардўз, наққош усталири тўғрисида гапирмай илож йўқ.

Эски шаҳар атрофидаги Сўзангарон, Қулolon, Заргарон маҳаллалари ва уларда яшовчи озолаб хунарманд оилалар миллий кадрятларни авайлаб, авлодлардан авлодларга етказиб келмоқдалар. Рухобод мадрасасида уларнинг амалий санъатлари кўргазмаси ташкил этилган. Самарқандлик халқ усталари ўз иход намуналари билан Япония, Франция, Берлин халқор кўргазмаларида иштирок этиб, кўллаб мукофотларга сазовор бўлишган.

Самарқанд шаҳрининг Мир Саид Барақа маҳалласида яшовчи яна бир хунарманд оила бор. У поляк қизи Наталья Шабакова ва унинг онаси Тамара опадир. Маго ва либосларига игна билан расм солиш борасидаги машақ-



қатли санъатни пухта эгаллаган ижодкор қиз — Наталья хозирданоқ Польша, Италия, Франция, Берлиндаги қатор нуфузли кўргазмаларни ўз асарлари билан кезиб чикди. Қанчадан-қанча совринларни кўлга киритди. Ойиси унга «қизим, сен Европанинг назарига тушдинг, мабодо у ерларга кўчиб бориш истагинг йўқми», деб сўраганида Наталья: «мен маҳалланинг фарзандиман. Маҳаллада туғилдим, улғайдим. Регистонни бир кун кўрмасам соғиниб, бетоб бўлиб қоламан» дейди.

Ҳа, Самарқанд миллат танламайдиган аҳил, тинч шаҳар-ки,

ҳияти орти. Ички истеъмол бозори эса импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилди. Самарқанддаги «ISUZU» автомобиль заводи, «8 Март» тикувчилик фабрикаси, «Галаосиёнон» корхонаси ва Франция технологияси асосида нафис чинни буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган «Асл Нафис» корхонаси, «Сам-Антепгилам» санаот қўша корхонаси ана шулар жумласидандир.

«Adolat» СДП аъзоси, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати Камол Абдуллаев бошқараётган «СамАнтепгилам» қўша корхонаси модернизациялашнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришда юксак сифат ва самарадорликка эришган жамоалардан. Бу ерда тайёрланаётган гилам маҳсулотлари юз фоиз экспортбop — Европа мамлакатларидаги харидорларига етказиб берилмоқда.


Партиядошимиз ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва депутат сифатида санаот салохиятини ошириш бўйича вилот кенгаши сессияларида зарур тақлифларни олиб чиқишда фаол иштирок этмоқда. Ёш, изланувчан раҳбар ўз корхонасининг маҳсулотлари намунаси билан Германиянинг Ганновер

амалга оширилиб, прогноз кўрсаткичлари анча ортиги билан удаланди.

Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти ишини яхшилаш бўйича ижобий ёндашувлар яққол кўзга ташланмоқда. Шаҳар ва шаҳар ташқарисидаги йўналишларда бугун мингдан ортиқ янги ISUZU автобуслари қатнаб, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Мустақиллик байрами шодиёналари Самарқанд темир йўл вокзалда янги тезюрак «Afrosiyob» электропоездининг илк қатнови тантаналарига уланиб кетади. Испанияда тайёрланган гоята замонавий, хавфсиз ва юқори комфортабелли мазкур локомотив энди Самарқанд — Тошкент оралигида мунтазам қатнаб, йўловчиларга, айниқса, шаҳар меҳмонларига, хорихий сайёҳларга, халқор таллабларга мос хизмат кўрсатади.

Самарқандда шу кунларда анъанавий «Шарқ тараоналари» Халқор мусиқа фестивали савдолари янграганлиги байрам кўшиқ байрамига айланиб кетганлигидан далолат бермоқда. Фестивалда бу гал 60 дан ортиқ мамлакатдан энг моҳир созанда, хонанда, бастакорлар иштирок этмоқда. Мадагаскар, Хорватия, Ирландия, Чехия, Лаос сингари 11 та давлат



тардан ортиқ майдонда нодир манзарали дарахтлар ўтказилиб, «Йўлбарслар жиёбони» бунёд этилгани шаҳарозилиқнинг янги ютуғи бўлди. Шу тўғрисида қадим Шердор, Улугбек, Бибихоним ва Тиллақори мадрасаларининг баргига шамол тегиб, олисдан салобат билан кўзга ташланиб турадиган бўлди.

Бу каби улкан ободончиликлар бугун Самарқанд шаҳри-

нинг аҳолиси ижоди, бунёдкорона меҳнати билан дилдан шугулланиб, бахтли ва фарован ҳаёт кечириб келмоқдалар. Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган маҳаллаю гузарларнинг файзу ҳатлигида.

Самарқанднинг илмий салохияти ҳақида фикр юритганда кўллаб олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва уларнинг олим талабаларининг изланишлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Профессор Азамат Шамсиев раҳбарлигидаги Самарқанд тиббиёт институтининг бир йўла 3 нафар истеъодли талабаси бутун Россия Талабалар Илмий жамиятининг нуфузли съездида ўз илмий ишлари билан муваффақиятли иштирок этиб, 3 та олтин медални кўлга киритишгани, Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиларидан бир йўла 5 нафари халқор олимпиадаларда олтин ва кумуш медаллари билан тақдирланганини эътироф этмоқ жоиз. Улар — Ватан шазини улуғлаётган истиқлол фарзандлари.

Мустақиллик йилларида Самарқанд иқтисодиётидаги, сиёсий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар беқийсдир. Шаҳардаги санаот корхоналарини модернизациялаш тўғрисида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, экспорт сало-




шаҳрида ўтказиладиган халқор савдо кўргазмасида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Гап санаот салохиятини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳақида борар экан, Самарқанд шаҳрида фақат шу йилнинг олти ойида 10 та янги лойиҳа амалга оширилган, жами 10,8 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилиб, 580 та қўшимча иш ўринлари яратилганлигини таъкидлаш лозим. Экспортчи корхоналар томонидан эса шу давр мобайнида 9,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот ва хизматлар экспорти

санъаткорлари бу нуфузли танловда илк бор қатнашмоқда. Фестивалнинг тантанали очилиш маросими Регистон сахнасида дунёнинг юздан ортиқ давлатларида телеканаллар орқали бевосита намоийш этилиши ҳам санъат байрамнинг халқор нуфузи тобора ортиб бораётганлигини яна бир қарра тасдиқламоқда.

Ҳа, Самарқанд қуй ва қўшиқлар шаҳри, бетакор истеъодлар шаҳри. Ўз юртини қўшиқларда улуғлаган, қалбида ардоқлаган, меҳнати-ла эъзозлаган халқ борки, Ватан яшаришга, юксалишларга юз тугавериши.


Pharmed sanoat

хусусий корхонаси жамоаси

Серқуёш юртимиз
аҳлини қутлуғ сана —
Ўзбекистон Республикаси
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
20 йиллиги
билан табриклайди



20 yil



Жонажон Ўзбекистонимиз
ҳамиша гуллаб-яшнайверсин!



Истиқлол йўллари — улар бизни юртимиз кўзгуси — истиқболга чорлар ҳар қачон ҳар қачон

Фармула МУРОДОВА,
«Adolat» муҳбири.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши унинг транспорт коммуникациялари, жумладан, автомобиль йўлларининг ҳолатига боғлиқ. Агар ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибасига назар ташласак, уларда айнан иқтисодий қийинчилик даврида автомобиль йўллари қуриш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Германия, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда 30-йилларда худди шундай дастур қабул қилинган. Чунки, автомобиль йўллари қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари турли хил мутахассислар учун қўшимча иш жойлари яратади, шу билан биргалликда ишга туширилган ҳар бир йўл шохобчаларига сарфланган маблағ ўзини тезда оқлайди ва иқтисодиёт соҳаларининг қайта тикланишига кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

Хавфсизлиги таъминланган йўл борки, атрофда янги ҳаёт пайдо бўлади, шаҳарлар қад кўтарди, халқро иқтисодий ва маданий муносабатлар ривожланиб, ишлаб чиқариш суръатлари тезлашади. Табиийки, аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ҳам ошиб, давлатнинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланади.

Шунинг учун ҳамки, мустақиллигининг илк давридан-ноқ Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон жажом бозорига чиқшининг энг ишончли ва кулай транспорт инфраструктурасини яратиш ҳамда транзит йўналишларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратди.

Биласиз, мамлакатимиз қадимдан Буюк кўлидаги чорраҳа сифатида дунёга машҳур бўлиб келган. Замонавий йўллар барпо этилса давлатимиз бундан-да ривожланиб боравериши муқаррар.

Яқин тарихга назар солсак, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда йўл қуриш ишлари марказ манфаатини кўзлаган ҳолда амалга оширилди. Бугунги кунда эса қурилаётган ҳар бир замонавий йўл мустақиллик фалсафасига, жумладан, мустақиллик концепциясига асосланмоқда.

“...Мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва жадал ривожлантириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфраструктурасини муҳандислик коммуникациялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади, — деган эди Юртбошимиз мустақиллигининг дастлабки йилдаёқ. — Коммуникациялар тизими ҳақида гапирилганда, Ўзбекистон география маъқелининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиш йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникациялар ривожлантириш масалалари устувор, стратегик ҳаётий муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқ даркор.”

Дарвоқе, ўтган 20 йиллик

мустақил тараққиёт йиллари даврида магистрал йўллар қуриши, хорижий давлатлар билан транспорт алоқаларини йўлга қўйиш, йўл ҳўжалигида замонавий техника ва технологияларнинг жорий этиш, бугунги кун талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдек кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Юртимиз йўллари Трансевропа, Евроосиё йўлақларига қўшиш ҳамда шу орқали дунё портларига чиқиш борасида дадил қадамлар ташланди. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларимиз техник кўрсаткичлар бўйича МДХ давлатлари ўртасида етакчи ўринга чиқиб олди.

Соҳа ходимлари автомобиль йўллари Трансевропа, Евроосиё йўлақларига қўшиш ҳамда шу орқали дунё портларига чиқиш борасида дадил қадамлар ташланди. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларимиз техник кўрсаткичлар бўйича МДХ давлатлари ўртасида етакчи ўринга чиқиб олди.

Юртимизда техник жиҳатдан халқро талабларга мос, кенг ва раво йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳабатли кўприк ҳамда транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор кулайликлар яратмоқда. Уларнинг узоғи яқин, оғири энгил бўлмоқда, вақти, маблағи тежалмоқда. Мисол учун “Тошкент — Ўш” йўлининг “Қамчиқ” ва “Резак” доволаридан ўтган тоннелларини олайлик. Бугунги кунда ўзининг бехисоб самарасини бераётган муқобилсиз бу иншоот миллионлаб кишиларнинг пойтахтимизга келиб-келиши билан боғлиқ сарф-харажатларини камайтириб, орқича вақт, масофа ва йўл азобига чек қўйди.

Президентимизнинг 2009 йил 22 апрелдаги “2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистрални ривожлантириш ва реконструкция қилиш чоратadbирлари тўғрисида” ги қарорига кўра тасдиқланган беш йиллик Дастур ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзавтойўл”

компанияси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 2009 йил давомида Ўзбек миллий автомагистрала таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги халқро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида 74 километр узунликда асфальт-бетон қопламали автомобиль йўллари қурилди, 138 километр масофада 1-тоифали тупроқ кўтармасини тиклаш ишлари бажарилди. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил Инвестиция дастурига мувофиқ 284 километр, шундан “Ўзбек миллий автомагистрала” объектларида 269 километр узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари режалаштирилиб, компания томонидан бу ишлар доирасида 2010 йилда 270 километр автомобиль йўли реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникациялар қурилиши инфраструктурасини ривожлантириш янада жадаллаштириш тўғрисида” ги қарор асосида 2015 йилгача бўлган 5 йиллик Дастур тасдиқланди. Мазкур муҳим Дастур нафақат Ўзбек миллий автомагистралларини ривожлантириши ва республиканинг барча минтақаларида ишончли автомобиль транспорти алоқасини таъминловчи тўрт полосали цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламалар билан қуришни, балки уни транспортнинг бошқа турлари, жумладан, темир йўл, ҳаво транспортининг ривожланишига мутаносиблигини ва бу коммуникация тизимларининг бир бутунликда ҳаракат қилишини таъминловчи омил эканлигини белгилаб берди.

— Дастурнинг ижросини таъминлаш учун 2011 йил давомида жами 302 километр узунликдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, шу жумладан, 125 километр асфальт-бетон қопламали йўл ва 175 километр цемент-бетон қопламали йўллар қурилиши бошлаб юборилди, — дейди биз билан суҳбатда “Ўзавтойўл”

Давлат акциядорлик компаниясининг бошқарма бошлиғи Воҳиджон Аъзамов. — Хусусан, бу ишлар қарордаги Ўзбек миллий автомагистрала таркибидagi автомобиль йўл бўлақларини қуриш ва реконструкция қилишнинг 2011-2015 йилларда мўлжалланган мақсадли дастурига киритилди ва беш йилда 2306 километр узунликдаги магистрал автомобиль йўллари халқро меъёр ва замонавий талаблар асосида янгидан қурилиши, жумладан, 1410 километри тўрт полосали қилиб (шундан 474 километр цемент-бетон, 648 километр асфальт-бетон қоплама билан, 288 километр икки тасмали асфальт-бетон қоплама билан) қурилади. Мазкур магистрал автомобиль йўллари таркибидa 1910 погон метр кўприк ва йўл ўтказгичлар, 7 жойда транспорт боғламалари мажмуи (узеллари) барпо этилади.

Шунингдек, мазкур қарорга кўра, 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникациялар инфраструктурасини кенг қамровли ривожлантириш мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ беш йилда тенг микдорларда “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компаниясига йўл қурилиш техникаларини янгилаш бўйича жами 444 дона йўл қурилиш ва сақлаш техникалари ажратилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, компания тизимидаги 24 та корхонанинг ишлаб чиқариш ва сановат базаларини модернизация қилиш кўзда тутилган. Бу эса тизимнинг ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатиши омилларидан бири.

2011-2015 йилларда Ўзбек миллий автомагистрала бўйлаб йўл ёқаси инфраструктураси ва сервисини ривожлантириш мақсадида йўл ёқаларида жами — 240 та, жумладан, 19 жойда кемпинг, 18 жойда мотель, 36 жойда кўп ёнилгили автоомбилларни ёнилги билан таъминловчи шохобчалари, 49 жойда автогаз тўндирувчи компрессор станциялар, 78 жойда авария қақурув ва тиббий тез ёрдам хизмати пункти, 31 жойда санитария-гигиена шарт-

шароитларига эга бўлган автоомбилларнинг қисқа муддат тўхташ майдончалари, 9 жойда туризмнинг барча шароитларига эга объектлар қурилади. Йўналишлар бўйича эса Бейнов — Кўнгирот — Бухоро — Навои — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналишида 169 жойда, Бухоро — Олот йўналишида 12 жойда, Бухоро — Қарши — Ғузур — Термиз йўналишида 43 жойда, Самарқанд — Ғузур йўналишида 16 жойда йўл ёқаси инфраструктураси ва сервис объектлари барпо этилади.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, амалга оширилган бунёдкорона ишлар самараси ўларок, унинг магистрал йўллари билан бугун Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларидан ҳар кун и юзлаб транспорт воситалари кириб келмоқда ва худудимиздан шимолий ҳамда шарқий йўналишдаги мамлакатларга йўл олмақда. Бунинг энг муҳим аҳамияти шундаки, юртимизда мамлакатларро савдо-сотик, иқтисодий алоқалар янада кучаймоқда, юрт фаровонлиғи ошмоқда, бозорларини янги-янги моллар билан тўлмоқда. Эҳтиёж ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздан ҳам кўплаб товарлар, моллар хорижга чиқарилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол йўллари юртимиз фаровонлигининг кўзгуси бўлиб қолмоқда, ёхуд Юртбошимиз таъбири билан айтганда:

“Инфраструктура комплексини — иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдевордир. Республика бутун халқ ҳўжалиги комплексини ишининг йўқлиги унинг самардорлиғи, шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожига ва даражасига боғлиқдир. Айни шу ишлаб чиқариш инфраструктураси, аввало, транспорт ва алоқа, товарларимиз, хизматларимизни ташқи бозорга чиқишини таъминлайди, уларнинг рақобатбардошлиғига таъсир қилади, айни вақтда зарур аҳборот, хомашё, бутловчи, замонавий технология ва ускуналарнинг келтирилишида омил бўлиб хизмат қилади.”






“НАВОИЙ АВТОТЕХХИЗМАТ” ОТАЖ ЖАМОАСИ

Юрдошларимизни
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
20 ЙИЛЛИК

байрами билан қизгин
муборакбод этиб,
барчага руҳий кўтаринкилик
ва хуш кайфият тилайди.

Ҳар бир хонадон айём
шодиёналари зиёсидан
мунаввар бўлсин!





Пахта саноати: Модернизация — тараққиёт демак

Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007-2011 йилларда пахта тозалаш корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш Дастури тўғрисида»ги қарори соҳада янгиланишлар, истиқболлар эшигини очиб берди. Бунинг амалдаги натижасини Фарғона вилоятининг «Қўқон — 2 пахта тозалаш заводи» фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Корхонага, мана, бир йилдан ошдики, тажрибали мутахассис Икромжон Комилов раҳбарлик қилмоқда. У соҳада амалга оширилаётган модернизация ва реконструкция ишлари самараси ҳақида тўхталиб, шундай дейди:

— Ўзбек пахтаси, унинг жаҳон бозоридagi нуфузи ва саноатини янада ошириш учун қишлоқ мулкдорлари билан узвий алоқада ишлаш лозим. Ерга барака уруғини қадаш, ниҳолни парваришлаш ва то у етилгунга қадар қишлоқ мулкдори билан бамаънаҳат иш тутаямиз. Пировардада, ҳосил хирмонга барака, ҳеҳларимизга эса сифатли хомашё бўлиб қираяпти. Соҳада олиб борилган модернизация ва реконструкция ишлари хомашёни қайта ишлаш самарасини оширмоқда.

Дарвоқе, 2009 йилдан бошлаб, корхонада ҳукуматимизнинг модернизация дастури асосида кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Жумладан, маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида 10-пахта омборига хомашёни ишлаб чиқаришга бир маромда етказиш мақсадида маҳсус курилма (ролган) ўрнатилди. Корхона тасарруфидagi барча пахта тайёрлов масканларида машина-механизмлар капитал ремонт-

дан чиқарилди. Асосий ишлаб чиқариш цехлари тўла таъмирланиб, барчасининг ички ва ташқи томонлари, машина-механизмлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик уюшмаси томонидан тақдим этилган тавсия билан бўёқдан чиқарилди. 6А-12М пахта тозалаш механизмлари сеткаси алмаштирилди. Қуриш борабанининг носоз редуктори янгиланди. Пресс эшиклари ва 5ЛП қопқоқлари ҳамда ПЛ, ТХЛлардаги барча ВКлар таъмирланиб, яроқсизлари ўрнига янгилари қўйилди. Пресс цехи бирламчи ўт ўчириш ускуналари билан жиҳозланди. Тола намланиши сифатини ошириш учун тола конденсори 60 см.га кўтариб ўрнатилди. Тола ажратишдан сўнг чигитларда қисман қолган тодаларни тозалаб олиш учун РПС ускунаси ишга туширилди. Циклон гуруҳидagi чанг сўрувчи қувурларнинг қияликлари 90 градусдан 45 градусга камайтирилди. Тозалаш цехида чангин имкон даражасида камайтириш мақсадида аспирация тизими жорий этилди.

Капитал таъмирлаш даврида джин ускуналарига частотали ўзгарткирчилар ўрнатилиб, аррали цилиндрдаги юкланишга қараб тушаётган чигитли пахта

микдори автоматик равишда бир текис таъминланишига эришилди.

Фарғона политехника институти олимлари билан биргаликда корхона ҳудуди ва ишлаб чиқариш цехларини ёритиш учун ёруғлик чиқарувчи диодлар системаси ишлаб чиқилди ва электр энергияси сарфини 10 баробарга камайтиришга муваффақ бўлинди. Сув таъминотида ҳам шундай янгиланма қилдик. Натижада, корхона ишчи-хизматчиларининг иш шароити яхшиланиб, ювиниш хоналари ишга туширилди. Цехлар ихчамлаштирилиб, замонавий технологияга ўтилди. Худудда бўш ер майдонларига 200 туп мевали дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари, завод олди ҳудудида 43 туп олма, 50 туп игнабаргли дарахтлар ўтказилди. 4 та 7 сотихли иссиқхона қурилди. Корхона ҳудудидаги темир йўл ҳамда Қўқонсой соҳилида 1 гектар мевали бог ташкил этилди. Шунингдек, «Қўқонсой», «Қақир», «Янги ҳаёт» пахта тайёрлов пунктларида ҳам иссиқхона қурилиб, сабзавот пайкаллари, балиқчилик ҳавзалари, чорва моллари парвариши йўлга қўйилди.

— Бир сўз билан айтсак, — деди корхонага қилган ташрифимиз сўнггида завод касба уюшмаси раиси Р.Ортиқбоев, — мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллиги нишонланиши арафасида жорий йил пахта ҳосилини қабул қилишга ачина бораётган бўлди. Барча ускуна ва жиҳозлар қайта-қайта техник қаровдан ўтказилди. Қабул масканлари ҳам шай. Бу — пахтакорларимиз меҳнати эвазига етиштирилган пахта хомашёсини қабул қилиш, уни сақлаш ва қайта ишлаш учун кенг имконият демак.

Бундай юртда фақат жўшиб яшаш керак ёхуд 20 йилликда 20 иш ўрни

Партиямиз фаоллари

Қаҳрамон ҚҮЛДОШЕВ.

— Тинчлик ва мустақиллик энг олий неъматлардир, уларнинг қадрига етиб, шу юртга муносиб фарзанд бўлишга ҳар доим ҳаракат қилмоғимиз лозим, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси, тиниб-тинчимас тadbirkор Нигора Қўшчанова. — Қолаверса, жорий йилнинг муҳтарам Юртбошимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик йили» деб номланиши ҳам ҳаракатларимизни янада жадаллаштириш, ота-бобларимиздан мерос қолган тadbirkорлик қобилиятимизни яққол намоян этиш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдек савоб ишларга ўз ҳиссамизни қўшиш учун яна бир имконият эшигини очгани билан қадридир.



Ҳаётда адолатли бўлиш ва интиланганга толе ёр каби ақидаларни ўзига шиор қилиб олиб, бу йўлда астойдил интилаётган хоразмлик қаҳрамонимиз Нигора Қўшчанова билан гаплашсангиз юқоридagi гаплар бу тиниб-тинчимас аёлнинг умр мазмунига айланади қолганига иқдор бўлишингиз аниқ. У ўзининг ташаббускорлиги, тadbirkорлиги билан эл назарига тушди. Партиянинг кам таъминланган оилаларга вилоти Хотин-қизлар қўмитаси, Тadbirkор аёл уюшмаси билан ҳамкорликда кўпгина хайрия тadbirkорлар ўтказди, яна кўпгина аъзоларга банклардан имтиёзли кредит олишга кўмаклашди.

«Юрган дарё — ўтирган буйра» деб бежизга айтмаган, халқимиз. Нигора тинимсиз интилишлари натижасида 2009 йилда Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти «Аёллар қаноти» томонидан «Йил аёли» миллий кўрик-танловининг вилоти босқичи ғолиби бўлди. Республика миқёсидagi танловдаги иштироки эса унинг эътирофига, тadbirkорлик йўналишида янгича оламни кашф этишида ва янада изилни кераклиги хусусида ҳақиқий ибрат мактаби бўлди. Сабаби, юртимизнинг турли гўшаларидан ташриф буюрган фидойи, шижоатли, қўлигул, моҳир аёлларнинг амалга оширган ишларини кузатишлари, суҳбат алмашиш жараёнида тажрибаси юксалишида муҳим омил бўлган бўлса, ажабмас.

2010 йилда «Меҳр нури» жамғармаси томонидан ўтказилган «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантиришга қаратилган грантлар танлови»да аёллар учун гўзаллик салонини ташкил этишга қаратилган лойиҳаси муносиб тақдирланди.

Энг асосийси, Нигора Қўшчанова бугунги кунда ҳам ушбу лойиҳа миқёсида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар билан банд. Унинг ташаббуси билан Урганч шаҳрининг 20-Обихаёт маҳалласида икки қаватли «Аёллар маркази» қуриб битказилиши аёллар учун кўплаб имкониятлар эшигини очиши мўқаррар.

— «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик йили» ҳаётимда унутилмас лаҳзаларга бой бўлди, — дейди тadbirkор қувончини яширолмай. — Сабаби, мен неча йиллардан буён орзу қилган мақсадимнинг асл мазмуни ҳам ушбу йил моҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, ўзбек хотин-қизларининг жисмонан ва маънан соғлом бўлишлари йўлида марказда улар учун яхши шaroит яратилди. Хусусан, аёлларни соғломлаштириш учун гимнастика зали, тикувчилик цехи, гўзаллик салони, тadbirkорликни ривожлантириш каби ўқув курслари шулар жумласидандир. Ва ҳатто, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехимизда ҳам фақат аёллар фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Насиб этса, мустақиллигимизнинг кўтлуғ 20 йиллиги арафасида туманимизда 20 нафар уй бекаларини иш билан таъминлаш ниятидими. Бу «Адолат» СДП аъзолари сони яна 20 нафарга ортади, деганидир.

Жорий йил бошида Нигора Қўшчанова «Ўзбек — Хитой» савдо уйи Хоразм вилояти вакили этиб тайинланди. Келгуси режалардан бири ҳам айнан Хитой давлатидан замонавий технологиялар олиб келиб, тadbirkорликда иш сифати ва унумдорлигини оширишга эришимиз иборат.


— Бу билан ижтимоий ҳимояни кучайтиришда ўзининг асосий мақсади деб билган «Адолат» социал демократик партиямиз ғоялари амалга ошишига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшаётганимдан қалбим фахр-ифтихорга тўлади, — дейди Нигора Қўшчанова.

БУХОРО ВИЛОЯТ "СУЛШЕРЖАҲОН" корхонаси жамоаси

90ксалтиш ва тараққиёт йўлида тахдам қадамлар билан одимлаётган мамлакатимиз талқини бартамиз улуғ аниқ айём —

Мустақиллигимизни 20 йиллиги

билан тин дилдан мубораққод этади.



Ватанимиз тарихидagi энг улуғ кун асрлар мобайнида қадрли ва ардоқли байрам бўлиб қолсин!



20



«Асака» банки ОАЖ

*мамлакатимиз аҳолисини,
ўз акциядорлари ва миждозларини*

*Вапатимиз мустақиллигинини
20 йиллик байрами*

билан самимий табриклайди.

*Барганнидга оилавий бахт,
узоқ умр, ишларинида улкан
муваффақиятлар шилаймиз.*



“Навоий дори-дармон” — дардларга дармон улашиб

Шоҳида ДАМАНОВА,
«Adolat» мухбири.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фармацевтика саноати ҳаётий тармоқ сифатида шаклланди ва ривожланиш сари қадам қўйди. Айниқса, ҳукуратимиз томонидан мазкур соҳани ривожлантириш, илғор технологияларни олиб кириш, тизимда соғлом рақобатни барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ республикамизнинг қўллаб-вилоятларида дори-дармон ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар ишга тушиб, дорихоналаримиз “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрликдаги дори воситалари билан тўлмоқда.



мавжуд мана шундай гўзал юрtdа истикомат қилиш, меҳнатинг эъзоз топаётган корхонада ишлаш мен каби барча тенгдошларим учун ҳам шарафли, деб биламан.

Дарвоқе, жамият даромадлари ҳисобига ўтган йилнинг ўзида 8 та машина сотиб олинган бўлиб, юк ташиш автомашинасидан ташқари кўчма дорихона учун мўлжалланган ва жиҳозланган автомашина ҳам эл хизматида.

Анваржон ака билан суҳбатлашар эканмиз, мавзу беихтиёр фармацевтика саноатини ривожлантириш, ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бурилди.

— Биз бозор иқтисодиёти, реал рақобат шароитида яшаймиз. Бундай шароитда эса замонавий илмларни эгалламасдан голиб чиқишнинг иложи йўқ. Замонавий фикрлаш, тил ўрганиш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳамда жорий этишни ривожлантириш олдимизда турган масъулиятли вазифалар сирасига киради. Бизнес фикрлашни ривожлантиришга ҳамда юксак иқтисодий натижаларга эришишга ёрдам берувчи қисқа муددатли ўқишларни ташкил этиш йўли билан ҳар бир ходимнинг меҳнатини адолатли баҳолаш, ишининг сифатига қараб рағбатлантириш, янги ходимларни иш жойига, янги шароитга мослаштириш, устоз ва шоғирд аъналарини ривожлан-

“Навоий дори-дармон” очик акциядорлик жамияти аҳолига сифатли ва арзон дори-дармон етказиб бериш йўлида самарали фаолият кўрсатаётган корхоналардан, десак муболага эмас. Вилоятда фаолият кўрсатаётган даволаш профилактика муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари сифати кафолатланган дори воситаларини етказиб бераётган мазкур корхонада жами 149 нафар ишчи ходим бор билим ҳамда имкониятини ишга солган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

Жамиятимизга қарашли завод шароитида тайёрланадиган дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган “Авиценна” савдо ишлаб чиқариш фирмасида 2008 йилда 3 турдаги спиртли эритмалар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирга келиб яна 2 турдаги дори препаратини ишлаб чиқариш учун гувоҳнома олинганлигини яхши натижаларимиз каторига қўшиш мумкин, — дея фахр билан давом этди суҳбатдошимиз.

“Навоий дори-дармон” ОАЖга қарашли 1-сон дорихонада 40 хил стерил дори турлари

ларимиздан ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий вилоят бўлими бошлиғи Собир Ҳайдаров. — Ҳукуратимиз томонидан болалар спортини ва спортчи ёшларга юксак эътибор қаратилаётгани гоёта қувонарлидир. Мазкур жамият ҳам болаларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлишлари учун деярли ҳар йили ҳомийлик ёрдами кўрсатишади. Айниқса, улар томонидан спортчилар учун ажратилган турли дори-дармон воситалари, витамин ва мултивитаминлар болаларнинг соғлигини мустаҳкамлашда, спорт орқали орттирган жароҳатларни тиклашда катта ёрдам бермоқда.

Шунингдек, биргина ўтган йилда Томди туманида жойлашган Керезбулоқ ҳамда Қизилтепа туманидаги Хушарти қишлоқ врачлик пунктларига компьютер жамланмаси олиб берилди. Мавсумий ишга жалб қилинган ишчиларга дори қўтилари (аптечка) тарқатилди.

— Мен Қизилтепа туманининг чекка қишлоғида истикомат қиламан, — дейди Аҳрор бобо Хўжамов. — Бундан бир неча йиллар олдин қишлоғимизда жойлашган қишлоқ врачлик пункти анча нураб қолган эди. Ҳозир шаҳарнинг ҳеч бир касалхонасидан қолишмайдиган КВП бизнинг хизматимизда. Айниқса, “Навоий дори-дармон” ОАЖга қарашли дорихона шохбчасининг ташкил этилгани узоғимизни анча яқин қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий корхоналарни модернизация қилиш ва ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида лизинг асосида “Микрокредитбанк”нинг Навоий филиали томонидан 45 миллион сўмга суюқ дориларни қўйиш линияси олиб келиб ўрнатилганлиги ҳам аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондиришга кўмаклашмоқда.



— Ўтган йилни яхши натижалар билан яқунлашга эришдик, — дейди “Навоий дори-дармон” ОАЖ бошқаруви раиси Анваржон Юнусов. — Айнан қишлоқ врачлик пунктлари ва уларга яқин жойларда 42 та дорихона шохбчалари ишга туширилди. Йил охиригача яна бешта худди шундай шохбчалар очишни режалаштирганмиз. Ҳозирги кунда жамиятимизга қарашли 6 та марказий дорихона ва 50 та шохбчалар вилоят аҳолисига хизмат қилмоқда. Жамиятнинг устав фонди 2005 йилда 50 миллион бўлган бўлса, 2011 йилда эса 1 миллиард 302 миллион 704 минг 500 сўмга кўтарилди.

ҳамда 15 турдаги ичиш учун мўлжалланган дорилар тайёрланмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш борасида ҳам жамиятда ўзига хос тажриба бор. Жамиятимиз дорихоналари томонидан 2009 йилда имтиёзга эга бўлган беморларга 4 042 та рецепт орқали 14 435 054 сўмлик дори-дармонлар бепул берилган бўлса, 2010 йил якуни бўйича 27 350 009 сўмлик, 2011 йилда 11 165 307 сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

— “Навоий дори-дармон” ОАЖ бизнинг ишонган ҳомий-

тириш каби ишларни амалга оширсак фармацевтика соҳасида мисли қўрилмаган ютуқларни қўлга киритишимиз шубҳасиз.

имкониятлардан унумли фойдаланиб, бор куч ва имкониятимизни ишга солиб юрт равнақиға муносиб ҳисса қўшишга тайёرمىз. Барча имкониятлар



Бухоро НКИЗ: ўсиш, улғайиш йиллари

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

«Табиат Ўзбекистондан неъматларини аямаган. Заминимиз қаърида сон-саноксиз табиий бойликлар, жумладан, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган энергия ресурслари — нефть, газ конденсати, табиий газ мавжуд».

Юртбошимизнинг бу сўзлари замиридан нефть, газ ҳамда газ конденсати захиралари ўз ички эҳтиёжларимизни таъминлабгина қолмай, уларни четга чиқариш имкони ҳам борлиги ва улар сармоё сарфлашигининг эфтидори соҳалари эканлигини англаш қийин эмас. Эеро, мутахассислар маълумотларига кўра мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, Ўзбекистон ер остида жуда катта нефть ва газ қатламларига эга эканлиги, худудимизнинг салкам 60 фоизи уларни қазиб олиш учун истиқболли худудлар ҳисоблангани қайд этилган. Уст-юрт, Бухоро — Хива, Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона сингари бешта асосий нефть-газ минтақасида бу ресурсларнинг захиралари қиймати 1 триллион АҚШ долларида ошиб кетди...

Ана шу бешта асосий нефть-газ минтақасининг бири — Бухоро — Хива минтақаси худудида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи — НКИЗ ҳам мустақилликда ўтган 20 йил ичида юксак суръатлар билан ўсди, улғайди... 1995 йилдан бошлаб мамлакатимизда нефть импорти тўхтатилиб, Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришган экан, демак, бунда шубҳасиз, Бухоро НКИЗнинг ҳам салмоқли улуши бор.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 1997 йил 22 августда ишга туширилган бўлиб, умумий майдони 250 гектарни ташкил қилади. У — «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Ўз-нефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибидagi унитар корхоналаридан бири. Заводнинг асосий фаолият тури нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш бўлиб, йиллик тўла қуввати 2 500 000 тонна углеводород хомашёсини қайта ишлашга мўлжалланган.

Заводнинг технологик ишлаб чиқариш қисми Франциянинг «Текнир» компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, ушбу жараёнга «TDS 3000» автоматик тизимдан фойдаланилган. Барча технологик жараёнлар асосий ишлаб чиқариш цехининг марказий операторлар хонасида туриб бошқарилади ва назорат қилинади.

Заводда автобензин (А-80, Аи-91, Аи-95 маркали), авиакеросин (Джет-А-1 маркали), дизел ёнгилиси (Д-02-40, ЭКО маркали), углеводород эриткичи, мазут, суюлтирилган газ, олтингургут каби нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

2010 йил якунлари бўйича солиштирма нархларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўсиш суръати 105 фоизни ташкил қилиб, истеъмолчиларга халқ

истеъмол моллари етказиб бериш белгиланган режага нисбатан 108 фоиз бажарилди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида 2009-2010 йиллар давомида заводга четдан углеводород хомашёси (толлинг асосида) олиб келинди ва у қайта ишланди. Толлинг эвазига нефть маҳсулотлари қайта ишланиб, четдан валюта тушумига эришилди. Сўнгги йилларда бу ерда янги замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида кўплаб объектлар қуриди ва фойдаланишга топширилди. Жумладан, замонавий юқори технологияларни жорий қилиш дастури асосида

• **Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланганидан шу йилнинг ўтган даврида хом-ашё ва тайёр маҳсулотларни қўйиш ва тўкиб олиш эстакадасининг янги замонавий тармоғи — бир вақтнинг ўзида 20 та вагон-цистернадан хом-ашё тўкиб олиш имкониятига эга қурилмалар ўрнатилди.**

• **Углеводород хом-ашёсини сақлашга мўлжалланган сизимлар паркинни кенгайтириш мақсадида ҳар бири 20 000 метр кубли 4 та сизим (резервуар) қурилиши тугаланиб, жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.**

• **Нефть маҳсулотларини халқаро стандартларга мос ишлаб чиқариш дастури бўйича эса заводда Аи-80, Аи-91, Аи-95 русумли юқори октанли автобензинлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

2006 йилда қуввати йилига 1 миллион тонна суюқ углеводородларни электр токи ёрдамида тузисилантириш ва сувсизлантириш қурилмаси қурилди. Уша йили истеъмолчиларга нефть маҳсулотларини сифатли ва аниқ етказиб бериш мақсадида 200 тоннагача вагон-цистерналарни ўлчашга мўлжалланган «Mettler Toledo» фирмасининг электрон темир йўл тарозиси ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»-ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан 2009 йил 12 январда заводда маҳсулот таннархи ҳамда харажатларни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва харажатлар 70,3 миллиард сўмга (20,1 фоизга) камайтирилиши режалаштирилди. Йил якунига кўра эса харажатлар белгиланган 70,3 миллиард сўм ўрнига 106,0 миллиард сўмга (30,3 фоизга) камайтирилди.

Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда замонавий талабларга мувофиқлаштириш мақсадларида яшилган экологик кўрсаткичи, шу жумладан, цетан сони, филтёрлаш коэффициенти, олтингургут микдод



ри ва йод сони бўйича, дизел ёнгилиси технологиясини ишлаб чиқариш бўйича муттасил излаши ишлари олиб борилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган дизел ёнгилиси билан бирга экологик жиҳатдан хавфсиз ЭКО русумли дизел ёнгилиси

Бу кўрсаткич, агар 2008 йилда 624 минг сўмни, 2009 йилда 633,5 минг, 2010 йилда 680 минг сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилда 700 минг сўмга етмоқда.

Заводда 3108 нафар ишчи-хизматчилар, жумладан, 632 нафар касаначи меҳнат қилмоқда. Биргина 2010 йил давомида 164 нафар янги иш ўринлари яратилиб, касаначилар 30 нафарга ошди. Ҳозир корхонада 632 нафар касаначи ўз меҳнати муваффақиятли давом эттирмоқда. Яратилган иш ўринларига қабул қилинган касаначилар томонидан 28 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, нафақат завод ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, балки чет ташкилотлар талаблари асосида маҳсулотлар етказиб берилиши йўлга қўйилди. Улар томонидан ўтган йилнинг ўзида 1 257 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Истиқболимиз юбилей йилда ма-

тардан иборат «Сунъий кўл» дам олиш маскани бунёд этилди. «Ҳаммом соғломлаштириш мажмуи», ишчи-ҳодимлар учун байрам тадбирларини ўтказиш учун концерт зали, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида замонавий «Маданий саройи», Дехқон бозори вуҷудга келди. Ишчи-ҳодимлар соғлигини тиклаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг спорт билан шуғулланишлари имкон яратиш мақсадида қурилган ёпиқ чўмилиш сув ҳавзаси, спортнинг гимнастика, волейбол, баскетбол, оғир ва енгил атлетика, шарқ яққа кураши турларини ўзида қамраб олган 460 нафар шуғулланувчини қабул қилиш имконига эга спорт соғломлаштириш мажмуи — ҳаммаси корхона жамоаси ихтиёрига берилди. Завод цехларида вилоят туманларидан келиб ишловчи ишчи-ҳодимларни яшаш ва дам олиш шaroитини яхшилаш мақсадида 240 ўринли замонавий жиҳозланган «Ешлар меҳмонхонаси» қурилиб ишга туширилди. Завод ишчи-хизматчиларининг турмуш шaroитини яхшилаш мақсадида 2003-2010 йиллар давомида 307 та турар-жой котежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кезда ижтимоий объектлар ва уй-жойлар қурилиши ҳозир ҳам жадал давом этмоқда.

Заводга қарашли «Нефтчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи умумий майдони 6,2 гектар, ташкил қилиб, оромгоҳ ёзги мавсум давомида 4 сменада фаолият кўрсатади. Ҳар смена 18 кун давом этади. Бир сменада 252 нафар, мавсум давомида 1008 нафар болажонлар дам оладилар. Ёз мавсумида уларни спорт билан қизиқтириш инobatга олинди, оромгоҳда спорт майдонлари, катта ва кичик теннис кортлари, чўмилиш сув ҳавзаси таъмирланди ва 12 миллион сўмлик спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланди.

2010-2011 йилларда завод томонидан Қоравулбозор туманида 10 гектар майдонда замонавий иссиқхона қурилиб, бугунги кунда ер текислаш, атрофини девор билан ўраб олиш ишлари тўлиқ бажарилди. Фойдаланишга топширилган 3 гектар иссиқхонада «Дорон» навли бодринг кўчатлари, 2 гектар иссиқхонада «Боннаки», «Белле» навли помидор кўчатлари экилиб, етиштирилган помидор ва бодринг маҳсулотлари «Озиқ-овқат хавфсизлигини» таъминлаш ва аҳолига арзон нархда маҳсулотлар етказиш мақсадида Бухоро вилоятининг Марказий, «Дилқушо», «Нефтчи»лар шахарчасида аҳолининг яшаш шaroитини яхшилаш, маданий ва маърифий дам олишларини таъминлаш мақсадида катта қурилиш ишлари амалга оширилиб, ижтимоий инфратузилма тубдан ўзгарди. Жумладан, «Ешлар маркази», «Нефтчи»лар шахарчасидаги микроклиматни юмшатиш ва ишчи-ҳодимларни дам олишлари учун 110 000 метр куб сув сизимига мўлжалланган сув умумий майдони 12 гек-

чаллий ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда тузилган дастур асосида яна 15 та касаначилик иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Заводда 2003-2010 йиллар давомида Қоравулбозор туманининг «Нефтчи»лар шахарчасида аҳолининг яшаш шaroитини яхшилаш, маданий ва маърифий дам олишларини таъминлаш мақсадида катта қурилиш ишлари амалга оширилиб, ижтимоий инфратузилма тубдан ўзгарди. Жумладан, «Ешлар маркази», «Нефтчи»лар шахарчасидаги микроклиматни юмшатиш ва ишчи-ҳодимларни дам олишлари учун 110 000 метр куб сув сизимига мўлжалланган сув умумий майдони 12 гек-

тардан иборат «Сунъий кўл» дам олиш маскани бунёд этилди. «Ҳаммом соғломлаштириш мажмуи», ишчи-ҳодимлар учун байрам тадбирларини ўтказиш учун концерт зали, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида замонавий «Маданий саройи», Дехқон бозори вуҷудга келди. Ишчи-ҳодимлар соғлигини тиклаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг спорт билан шуғулланишлари имкон яратиш мақсадида қурилган ёпиқ чўмилиш сув ҳавзаси, спортнинг гимнастика, волейбол, баскетбол, оғир ва енгил атлетика, шарқ яққа кураши турларини ўзида қамраб олган 460 нафар шуғулланувчини қабул қилиш имконига эга спорт соғломлаштириш мажмуи — ҳаммаси корхона жамоаси ихтиёрига берилди. Завод цехларида вилоят туманларидан келиб ишловчи ишчи-ҳодимларни яшаш ва дам олиш шaroитини яхшилаш мақсадида 240 ўринли замонавий жиҳозланган «Ешлар меҳмонхонаси» қурилиб ишга туширилди. Завод ишчи-хизматчиларининг турмуш шaroитини яхшилаш мақсадида 2003-2010 йиллар давомида 307 та турар-жой котежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кезда ижтимоий объектлар ва уй-жойлар қурилиши ҳозир ҳам жадал давом этмоқда.

Заводга қарашли «Нефтчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи умумий майдони 6,2 гектар, ташкил қилиб, оромгоҳ ёзги мавсум давомида 4 сменада фаолият кўрсатади. Ҳар смена 18 кун давом этади. Бир сменада 252 нафар, мавсум давомида 1008 нафар болажонлар дам оладилар. Ёз мавсумида уларни спорт билан қизиқтириш инobatга олинди, оромгоҳда спорт майдонлари, катта ва кичик теннис кортлари, чўмилиш сув ҳавзаси таъмирланди ва 12 миллион сўмлик спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланди.

2010-2011 йилларда завод томонидан Қоравулбозор туманида 10 гектар майдонда замонавий иссиқхона қурилиб, бугунги кунда ер текислаш, атрофини девор билан ўраб олиш ишлари тўлиқ бажарилди. Фойдаланишга топширилган 3 гектар иссиқхонада «Дорон» навли бодринг кўчатлари, 2 гектар иссиқхонада «Боннаки», «Белле» навли помидор кўчатлари экилиб, етиштирилган помидор ва бодринг маҳсулотлари «Озиқ-овқат хавфсизлигини» таъминлаш ва аҳолига арзон нархда маҳсулотлар етказиш мақсадида Бухоро вилоятининг Марказий, «Дилқушо», «Нефтчи»лар шахарчасида аҳолининг яшаш шaroитини яхшилаш, маданий ва маърифий дам олишларини таъминлаш мақсадида катта қурилиш ишлари амалга оширилиб, ижтимоий инфратузилма тубдан ўзгарди. Жумладан, «Ешлар маркази», «Нефтчи»лар шахарчасидаги микроклиматни юмшатиш ва ишчи-ҳодимларни дам олишлари учун 110 000 метр куб сув сизимига мўлжалланган сув умумий майдони 12 гек-

бир сўз билан айтганда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мустақиллик йилларида ўсиш, улғайиш йўлларини жадал босиб ўтиб, тараққиёт йўлидан дадил бормоқда.



Навоий вилоятидаги "Малик Работ" қурилиш-монтаж МЧЖ жамоаси

Барча
юртдошларимизни

Мустақимлигимизнинг
20 йиллиги

байрами
билан қизғин
табриклайди!



Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, гўзал
диёримизда доимо тинчлик-осойишталик бўлсин!



**Самарқанда вилоятидаги
“СамАнтепгилам”
қўшма корхонаси жамоаси**

*Она Ватанимиз ободлиги,
иқтисодиётимиз баққарорлиги,
шўрмушимиз фаровонлиги
йўлида самарали меҳнат
қилаётган барфа
юртдошларимизни, тадбиркор
ва ишбилармонларини
истиқлолнинг
20 йиллиги
билан қизини
табриқлайди!*

«Afrosiyob» — буюк марра самараларидан бири

Тошўлат МАТИБАЕВ,
фахрий темирўйли.

Истиқлолимизнинг 20 йиллик тарихига зарҳал ҳарфлар билан битгилишига арзигулик ўта катта тезликда қатнайдиغان ва тарихий атама билан номланган “Афросиёб” тезорар электропоездлари Тошкент ҳамда қадимий Самарқандни боғлабгина қолмай, йўловчилар учун қўлайлиги жиҳатидан жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Бундай тезорар поездларнинг мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлимининг 20 йили давомидаёқ пайдо бўлиши давлатимиз раҳбари таъриф берган Буюк марранинг чинакам самараси, албатта.



Тезорар поездлар, таъбир жоиз бўлса, аср мўъжизаси. У замонавий, юқори қувватли техника бўлиб, ҳозир жаҳоннинг фақат энг илғор давлатлари темир йўлларида қатнамоқда, холос. Тан олиш керак, саноати ривожланган 27 та давлатни ўзида жамлаган Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳаммаси ҳам бундай имкониятга эга эмас. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги аксарият давлатларни эса гапирмаса ҳам бўлади. Бундай ютуқ шубҳасиз, элим деб, юртим деб яшашнинг, Ватанимиз ободлиги ва фаровонлиги учун қилинган буюк меҳнат ва кўрсатилган бемисл шижоатнинг маҳобатли ҳайкалидир. Юртбошимизнинг дадил саъй-ҳаракати билан мустақиллигимизнинг шонли 20

йиллиги арафасида қатнови ташкиллаштирилаётган тезкор поездимиз сафари равон бўлиши, шубҳасиз.

Шубҳасиз, темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш бўйича юксак мақсад, вазифа ва режаларнинг узлуксиз амалга ошириб борилиши тараққиётнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Ватанимиз кудратига кудрат кўшади, ҳаёт ободлиги ва турмуш фаровонлигини юксалтиради, кўзлаган олий мақсадларимизга бизни тобора яқинлаштиради.

Қолаверса бу истиқлолимизнинг куч-кудрати, халқимизнинг фидоийлик, бунёдкорлик салоҳияти қандай мўъжизаларга қодир эканлигини ҳаётнинг ўзи қайта ва қайта исботлаётганини кўрсатади.

**Бекобод шаҳридаги
“МОҲИНУР – ДОНИЁР САВДО” ва
“ЎРИНОВА АЗИЗАХОН АБДУЛЛАЖОНОВНА”
хусусий корхоналари**

*Ўзбекистон фуқароларини
узғу айём – мамлакатимиз
мустақиллигининг
20 йиллиги
билан қўшлайдди!*



“Қувауниверсалинвест” МЧЖ

барча юртдошларимизни мамлакатимиз

мустақиллигининг

20 йиллиги

билан самимий
муборакбод этади.



*Ватанимиз осмон ҳамини бугунингдек
мусаффо, тонадонларимиз осойишта,
дастурхонларимиз файзу баракали бўлсин!*

*Жаннатмакон ўлкаимизнинг бугунги осуда
ҳаётига кўз тегмасин. Ҳар бир хонадонда тиңчлик,
омонлик, файзу барака ҳукми сураверсин.*





“Урганч-ёғ” — муваффақиятлар сари

Қахрамон Қўлдошев.

Муваффақиятлар йилдан-йилга мустақкамланаверади. Кўпчилик соҳа мутахассисларининг бу хулосаси ҳаётда ўз исботини кўрсата олгани билан қадрдир.

Аслида муваффақиятларга ўз-ўзидан эришиб бўлмаслиги аниқ. Ишда фидойилик, юқори илм ва юксак тажриба, ҳамжиҳатлик, ўзаро тотувлик, аниқ мақсадлар сари интилишни талаб этадиган мазкур кўрсаткичга эришиш учун бу тамойиллар бирдек муҳим саналади. Шу билан бирга, сифат ва миқдор уйғунлигини ўзида касб этган, юқори талабга жавоб берадиган замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришда жорий этилиши ҳам муваффақиятга эришишни тезлаштирувчи энг зарур омиллардандир, десак муболага бўлмайди.



Этироф этиш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ иктисодиётимиздаги барча тармоқларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, саноят корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳам юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарининг одимлашига, йилдан-йилга муваффақиятнинг энг юқори поғоналарини забт этишига туртки бўлмоқда.

Хоразм вилоятидаги “Урганч-ёғ” очик акциядорлик жамияти ҳам истиклол имкониятларидан оқилона фойдаланётган, аиникса, сўнгги йилларда фақат муваффақиятлар сари дадил одимлаётган энг нуфузли корхоналардандир. Хорижий инвестиция иштирокидаги мазкур очик акциядорлик жамияти республика “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюشمаси тарихида фаолият кўрсатиб, ўсимлик ёғи, шелуха, шрот, ёғ кислоталари қоришмаси, гудрон смоласи, ҳўжалик совуни, техник ва озуқавий саломас ишлаб чиқариш бўйича вилоятдаги ягона корхона ҳисобланади. 1977 йилда ишга туширилган мазкур корхона 1995 йилда очик турдаги акциядорлик жамиятга айлантирилганди. Шундан сўнг юқори ишлаб чиқариш қувва-

тига эга энг сўнгги русумдаги асбоб-усуна ва технологиялар билан қайтадан жиҳозланди. Хусусан, Россиядан келтирилган ўсимлик ёғини ҳидсизлантириш технологик усуналари, яъни дезодараторлар, замонавий Т1-МЭМ-400 русумли экстрактор, мойҳувоз цехига Германия давлатидан олиб келинган 3 та янги умдмор ЕТР-20, 16 русумли ёғ сиқиш пресслар, ёғ оқлаш цехи учун 2 та ВНП-30 вертикал филтрлари, пахта чигити, шрот ва шелуха махсулотлари ҳисоб-китобини аниқ юритиш мақсадида 4 дона “Норма-ТН” ва 2 дона “Самсон-40” электрон тарозилари, чигитнинг ёғдорлик ва намлик даражасини экспресс усулда аниқловчи ЯМР-1006 анализаторлари шулар жумласидандир. Умуман асосий ишлаб чиқариш цехларини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш ишларини бажариш учун жами 1 миллиард 140 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли даражада ўсди, корхонада кунга 800 тонна техник пахта чигитини қайта ишлашга эришилди. Шунингдек, кунга 135 тонна тозаланган пахта ёғи, 40 тонна ПЭТ идишларга ёғ қадоқлаш, 48 тонна ҳўжалик совуни, 48 тонна СЖК (хом ёғ кислоталари) ишлаб чиқариш қувватига етганлиги ҳам ана шу ўзгаришлар натижасидир.

Ўсимлик ёғларини ҳидсизлантирувчи дезодараторларнинг ўрнатилиши тўғрисида кунга 50 тонна ёғни ҳидсизлантириш имкони яратилди. Бу эса аҳоли истеъмولى учун ҳидсизлантирилган қадоқланган ёғ етказиб беришда жуда кўл келмоқда.

— Маълумки, республикамизнинг шимоллий регионида ҳўжалик совуни ишлаб чиқариш бўйича цехимиз ягона ҳисобланади. Яъни, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятлари аҳолисининг ҳўжалик совунига бўлган эhtiжи шу ердан қопланади, — дейди “Урганч-ёғ” ОАЖ директори Хурмат Атаев корхона фаолияти билан яқиндан таништирар экан. — Илгари ушбу махсулот-



нинг асосий бирикмаларидан ҳисобланган техник ва озуқавий саломас Фарғона ва Тошкент ёғ-мой корхоналаридан темир йўл ва автотранспорт орқали келтирилган, автоулов учун йилига 200 миллион сўмдан зиёд маблағ харажат қилинар эди. Корхонада гидрогензация цехи қурилиб ишга тушиши билан ана шу маблағ иқтисод қилиниб, ишлаб чиқарилаётган ҳўжалик совунининг таннархи арзонлашиб, самарадорлик ошди.

Дарҳақиқат, лойиҳа қиймати нақд 6,7 миллиард сўмни ташкил этган, суткасига 35 тонна техник ва озуқавий саломас ишлаб чиқариладиган гидрогензация цехининг қурилиши 82 ишчи ўрни яратилишига ҳам имкон берди. Умумий ҳисобда мазкур очик акциядорлик жамиятида 171 нафар муҳандистехник ходим ҳамда 926 нафар ишчи-мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрь қарорига кўра, 2011 йилдан бошлаб аҳоли истеъмولى учун биржа савдоларига қўйиладиган пахта ёғини ҳидсизлантирилган ва қадоқланган ҳолда ишлаб чиқариш белгиланган эди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг январь ойидаёқ ёғ қадоқлаш цехига пластик бутилкалар тайёрлайдиган қиймати 56 миллион сўмлик 2 та янги автоматлар харид қилиниб, ишга туширилди. Бу эса вилоят аҳолиси учун биржа савдоларига 100 фоииз ҳидсизлантирилган, қадоқланган пахта ёғи чиқаришга имконият яратди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Хурмат Атаев сўзида давом этаркан. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2010 йил 30 ноябрда тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2011 йилда мойли экинларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш хажмларини кўпайтириш бўйича чоратадбирлар Дастури” ижроси бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қатор хайрли

ишларни йўлга қўйди. Хусусан, корхонамиз ва “Қорақалпоқ Агро” МЧЖ билан тузилган ҳамкорлик шартномасига кўра, 750 гектар майдонга масҳар, 300 гектарга кунгабоқар экилди. Бу билан юртимизда мойли махсулотлар билан таъминлашда оз бўлса-да ҳиссамизни кўша олсак, олдимизда турган вазифаларимизни удралаётганлигимиздан далолатдир.

— Шу ўринда айтиш жоизки, кишлоқ ҳўжалигида ҳосилнинг яхши ва кўнгилдагидек бўлиши ҳамда режаларимизнинг амалга ошишида ўсимликларни зараркунанда ва ҳар хил касалликлардан ўз вақтида ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ҳ.Атаев. — Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда “Урганч-ёғ” ОАЖ ҳудудида ўсимликларни зараркунанда, ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилувчи биологатория ташкил этилди. Биологатория учун зарур усуналар — “Олтин куз” ишлаб чиқариш линияси 39 миллион 835 минг сўмга олиб келиб, ўрнатилди. Шунингдек, 25 миллион сўмлик ишлаб чиқариш усунасининг келтирилиши ҳам лаборатория теширувларининг ишончли ва сифатли ўтишида жуда кўл келди. Қувонарли томони, мазкур мажмуа ишининг йўлга қўйилгани яна 8 нафар ҳамюртларимизнинг иш билан таъминлишида ўз ҳиссасини қўшди.

— Ишларимиз камчиликлардан ҳрли демайману, бироқ корхонамиз ишлаб чиқариш қуввати ва сифатини таҳлил қиладиган бўлсак, йилдан-йилга муваффақиятлар, ютуқлар, юксалиш бўлган сари қадам қўйлаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин, — дейди жамият раҳбари.

— Аҳолининг истеъмол талаблари бўйича ўсимлик ёғига бўлган эhtiжи бошқа махсулотларга қараганда юқорилиги маълум. Бу эса халқимизни сифатли ёғ билан таъминлашга бўлган масъулиятимизни янада оширади. Яна шуни маълумот ўрнида айтиш мумкинки, биз фақатгина юқоридagi ишлар билан чекланиб қолмасдан ёрдамчи ҳўжаликлар ташкил этишга ҳам бел боғлаганмиз. Жумладан, паррандачилик, чорвачилик ҳамда

балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган ёрдамчи ҳўжаликларимизнинг ҳар бирида муайян натижалар қутилмоқда. Мана масалан, 10 минг бош товук боқиш учун мўлжалланган паррандачилик ҳўжалигимизда бугунги кунда 2000 бош она товукдан 99547 дона тухум олинди, ички бозорга етказиб берилмоқда. Чорвачилик ҳўжалигимизда 2008 йилда 76 бош насли сиғирлар 66 тага кўлайиб, яна 6 хизматчини иш билан банд этдик.

Урганч туманининг “Чоткўпир” кишлоғидаги жамиятимизга қарашли ёрдамчи ҳўжалигимиз эса суний ҳовузда балиқчиликни ривожлантиришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда кичик балиқларни интенсив ривожлантириш йўлга қўйилган. Жорий йилда бу ерда жами 1200 килограмм балиқ етиштириш кўзда тутилган.

— Ширинликлар ҳам дастурхон кўрки, — дейди жамиятнинг ташки иқтисодий фаолият ва инвестиция бўлими бошлиғи Алишер Самандаров. — Айниқса, уйдан меҳмон аримайдиған меҳмондўст ўзбек халқи учун қандолат махсулотлари кўркам ноз-неъматлардан саналади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда қандолатчилик ва қўлтирилган сўт ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида ҳам кўнгилдагидек ишлар олиб боришмоқда. Май ойда кунга 150 кг. қўлтирилган сўт ишлаб чиқарувчи усунуна олиб келиниб, махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Келгусида сўтли “Ирис” ва “Коровка” конфетлари ишлаб чиқарувчи қандолатчилик тизимини йўлга қўйиш ниятидамиз...

Аслида “Урганч-ёғ” ОАЖнинг ижобий тафсилотларини баён этиш учун бир-икки саҳифа камлик қилади. Муҳими, кўпчилик юртдошларимиз учун ўз салоҳият, шижоатини кўрсатишга имкон бериётган мазкур мажмуада яна минг-минглаб элдошларимизнинг дастурхонини тўқин қилиш учун кун, соат сайин ҳаракат давом этаётганлигидир. Ўзимизда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган мазкур махсулотлар, албатта, таътиқлик берган имкониятлар самарасидир.



Қўнғирот сода заводи жамоаси

Азиз ватандошларимизни
республикамиз

Мустақиллигининг 20 йиллик

байрами муносабати билан
қизғин табриклайди.



**Юртимиз тинч, осмонимиз мусатффо бўлсин,
хонадонларимиздан файз-барака аримасин!**



ФАРҒОНА КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИРЛАШ-ҲОИДАТЛАНИШ КОРХОНАСИ

Юксалиш ва тараққиёт
йўлида шахдам қадамлар
билан одимлаётган
мамлакатимиз халқини
барчамиз учун азиз айём —

Мустақилликнинг 20 йиллиги

билан чин дилдан
муборакбод этамиз!

Илоҳим, ҳеч бир хонадонни
тинч-тотувлик, хотиржамлик,
файзу барака тарк этмасин!

Тиббий хизмат: Саъй-ҳаракатлар ва самара

Давур ЖОЗИЛОВ.

Истиқлол шарофати билан мустақилликда ўтган 20 йил мобайнида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва тизимда сифат ўзгаришларини амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилди. Биргина 2010 йилда соҳа ривожига 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўмини бюджет маблағлари ташкил этди. Натижанда, ҳусусан, мустақилликнинг сўнгги ўн йилида сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган тиббиёт марказлари, замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббий масканлар тўла шаклланди. Қишлоқ врачлик пунктлари сонининг ўзиёқ 2000 йилга нисбатан 2 баравар кўпайди, яъни, улар 3 минг 200 тадан ошди.

Бир юз тўқсон минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Фарғона тумани аҳли бундай ўсиш ва ривожланиш одимларини ўз худудларидаги тиббиёт бирлашмаси фаолияти мисолида яққол кўриб турибди.

— Бугунги кунда, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Э.Сайдорилов. — Бирлашмамизда 4 та замонавий шифона, 4 та поликлиника, 17 та қишлоқ врачлик пункти ва битта КТМП аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мазкур даволash профилактика муассасаларида 158 нафар малакали врач, 1104 нафар ўрта, 378 нафар кичик тиббиёт ходимлари намунали фаолият олиб боришяпти.

Бирлашманинг стоматология бўлимининг ўзидаёқ ҳар бир сменада 150 нафар беморга хизмат қилиш имкони туғилди. Бўлимда катталар ва болалар учун алоҳида-алоҳида даволash хоналари, жароҳлик, ортопедия, физиотерапия, ортодонтия, рентген хоналари вужудга келди. Ёлғиз қариялар, кам таъминланган ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари, пенсионерлар, шунингдек, II-жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар, Чернобил Атом электр станцияси ҳалокатини бартараф этиш иштирокчиларига имтиёзли даво олиш шароити яратилди. Тумандаги 60 та мактабнинг 29791 нафар ўқувчилари, 59 та болалар боғчасининг 4 минг нафардан зиёд тарбияланувчилари йил сайин тиббий кўриқдан ўтказилиб турибди.

Шубҳасиз, бундай натижалар ва кўрсаткичларнинг ҳаммаси — 20 йиллик мустақиллик даврида бутун мамлакатимизда каби Фарғона туманида ҳам шифокорлар ва тиббий ходимларнинг меҳнати моддий рағбатлантиришни кучайтириш — уларнинг касб тайёргарлиги даражасини мутассил оширишга қаратилган чора-тадбирлар самарасидир.



"ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ" ОАЖ ЖАМОАСИ


Истиқлол қуёши йўғрилган
юртимиз фуқароларини
қутлуғ айём – Ўзбекистон

**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
20 ЙИЛЛИГИ БИЛАН**

чин дилдан муборакбод этади.

Юртимиз осмони ҳамisha
мусаффо, хонадонларимиз тинч
ва осойишта бўлсин.

Ватанимиз тарихидаги энг улуг
ва энг азиз кун асрлар давомида
халқимизнинг қадрли ҳамда
ардоқли байрами бўлиб қолсин!




Қўқон шаҳридаги "Мастона" ОАЖ жамоаси

Ўзбекистон халқини
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан самимий муборакбод этади.

Юртимизни фойзу барақа,
қалбимизни шоду хуфрамлик ҳеї қалон тарқ
этмасин, азиз ватандошлар!

Қутлуғ кунда билдирилаётган
барға эзгу тилақлар ижобат бўлсин!

20 ЙИЛ





"Навоий АВТОСАВДО" МЧЖ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимиз ҳалқимиз
барчамиз ушун*

эти ушун, эти азиз айём ~

муствақиллигимизнинг 20 йиллик
байрами билан табриклайдим!

Азиз юртдошлар!

*Нурафшон айёмда
барчага мустваҳкам соғлиқ,
яхши кайфият, оилавий
бахт-саодат ва
янидан-яни
муваффақиятлар тилайдим!*

Муствақиллигимиз абадий бўлсин!



Озод юртнинг обод гўшаси

“Adolat” мухбири
Саидолим АБДУРАХМОНОВ
ёзиб олди.

Бугун пуриқор Чотқол этакларида жойлашган Чортоқнинг қайси гўшасида бўлманг, улкан ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Туманнинг энг чекка қишлоғи — Тўриқдан бошланган ва Чортоқча давом этадиган гўзал манзара, тумани бошдан оёқ кесиб ўтадиган “Гинчлик” кўчасидаги реал ўзгаришлар, бунёдкорона ишларни кўриб, кўзингиз қувнайди.


— Биз мансуб бўлган шу азиз Ватан Юртбошимиз олиб борган доно сийсат туфайли жаҳонда ўз ўрнини топганидан гурурланамиз, — дейди Чортоқ тумани ҳоқими Алишер Бойхонов. — Янаям муҳими, жамиятимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодийтн эркинлаштириш учун дунё амалиётида синовдан ўтган, миллий қадриятларимиз ҳисобга олинган қонунчилик тизими яратилган.

Эйтибор қилин-а, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эркинлаштириш ижобий самара бермоқда. Дейлик, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,9 миллиард сўм, яъни 108,7 фоизни ташкил этди. 26,3 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқиблиб, бу борадаги кўрсаткич ҳам 106 фоиздан оширилди. Пудрат ишлари 20,4 миллиард сўмга тенг бўлди. Яъни, 132,3 фоизли юқори кўрсаткичга эришилди. Чакана савдо айланмаси эса, 27,3 миллиард сўм ёки 106,1 фоизга етди. Аҳолига 9,4 миллиард сўмлик пуллик хизмат кўрсатилиб, 123,6 фоизли кўрсаткич қайд этилди.

Эндиликда тадбиркорни қўллаб-қувватлаш учун банклардан кредитлар ажратилмоқда. Масалан, тумандаги барча турдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ўтган давр мобайнида жами 3 миллиард 659 миллион 600 минг сўмлик кредит берилди. Мазкур маблағларнинг 1 миллиард 97 миллион 900 минг сўми қисқа муддатларга, 2 миллиард 561 миллион 700 минг сўми эса, узоқ муддатларга мақсадли ажратилди. Натижада ўтган икки чорак давомидида барча манбалар ҳисобига 2 минг 457 та янги иш ўринлари барпо этилди. Дастур кўрсаткичи 109,4 фоизга ууддаланди. Масалан, Мучум қишлоғидаги “Қосимов Ҳамидулла Турсунович” хусусий корхонаси ТИФ “Миллий банк” туман бўлимининг 50 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига Самарқанддаги “Ломмон Браво” — Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидан олиб келинган 8 минг 500 бош товуқни парваришламоқда. Айни пайтда мазкур хусусий корхонадан кунига 3 минг дона тухум туман ички бозорларига чиқарилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳудуддаги “Мучум парранда” фермер хўжалигига ҳам АТ “Микрокредитбанк” туман бўлими томонидан 20 миллион сўм кредит маблағи берилиб, ҳозирда бу ерда 500 бош зотдор, Ломмон парранда боқилмоқда. “Бўлон” маҳалласи ҳудудидида жойлашган “Аб-

дуназар, Абдуқодир, Муҳаммад” фермер хўжалиги эса, ўз маблағи ҳисобига 1000 бош парранда боқишни йўлга қўйди. Шу тариқа жорий йилнинг мазкур даврига қадар паррандачилик соҳасини ривожлантириш ҳисобига 25 та янги иш ўрни барпо этилди. Бугунгача савдога чиқарилган тухум 2 миллион 135 минг дондан ошиб кетди. Натижада туман ички бозорларида бу маҳсулотнинг таннарини бир меъёрга ушлаб қолишнинг имкони яратилди.

Бу шундан далолатки, туманимизда ўзи ва жамият учун наф келтиришни истаган мулкдорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар эркин мухит-



жада “Золотой сок” хусусий корхонаси томонидан “НамСиб-Агробизнес” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилиб, Адлия божқармаси рўйхатидан ўтказилди. Шу тариқа тумандаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди.

Айни пайтда фаолиятда бўлган “CHARTAK DAENAN TEXTILE” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси 182 минг 124 кг. пахта толасини қайта ишлаб, 136 минг 593 кг. калава ип маҳсулоти ишлаб чиқарди. Жанубий Кореянинг “SHIN SEONG CO” LTD билан 17 тонна калава ип маҳсулоти учун тузилган олди-сотди шартнома-

манган бўлимидаги ҳисоб рақамига келиб тушди. Истиқболда “CHARTAK DAENAN TEXTILE” ишлаб чиқараётган маҳсулотлар экспорт ҳажмининг кўпайишидан умид катта. Энг муҳими, бу ерда ишлаётган 90 нафар кишининг иш ҳақи фонди 53 миллион 580 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида қайд этишни истардикки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, айниқса, мана шу ўтган икки-уч йил ичида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган аниқ чора-тадбирларнинг кенг мажмуаси иқтисодийтимизни жаҳон молия инқирози хатаридан ҳимоя этишга хизмат қилди. Иқтисо-

дош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони сезиларли кўпаймоқда. Масалан, яқин кунлар ичида “Чортоқ техник таъминлаш ва бутлаш” шўъба корхонаси томонидан Короскон қишлоғидаги пишган гишт ишлаб чиқариш заводининг 2-навбати ишга туширилди.

Кўпчиликка маълум, туманимиз аграр туман. Айни пайтда чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор хайрли ишларга қўл урдик. “Алоқа банк”нинг вилоят бўлими ажратган 1 миллиард 155 миллион сўмлик кредит ресурс ҳисобига “Чортоқ ипағи” фермер хўжалиги Германия давлатидан 155 бош зотдор қора



да, мавжуд имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз салоҳиятини намойиш этиш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Маълумки, жаҳон иқтисодийти тажрибасида сармоя тушунчаси муҳим тутади. Табиийки, четдан сармоя жалб этишнинг ўзига хос мезонлари бор. Айтайлик, аксар сармоядорлар ҳудуддаги хомашё ресурслари, ишчи кучи, Давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан яратиб бериладиган шароитлар билан қизиқишни турган гап.

Таъкидламоқчи бўлганим, юқорида қайд этилган омилларнинг туманимизда муҳасамлиги хорижий сармоядорлар қизиқишини орттирмоқда. Жумладан, тумандаги “Азия Агро Фрут” МЧЖ ҳамда “Золотой сок” хусусий корхоналари томонидан мева ва сабзавотларни қуритиш линияларини олиб келиб ишга тушириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Нати-

сига кўра, 85 минг АҚШ доллари миқдоридида юз фоизли тўлов маблағи қўшма корхонанинг ТИФ “Миллий банк” На-

диёт таркибини аниқ мақсад йўлида такомиллаштириш таъминланди. Бунинг натижасида туманимизда ҳам рақобатбар-



мол олиб келди. Айни пайтда мазкур фермер хўжалиги Германиянинг “АгроЛессГМБХ” компанияси билан 127 минг евро қийматидаги сутни соғиб олиш ва уни қайта ишлаш технологиясини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолади. Худди, шунингдек, “Анор тоғ” фермер хўжалиги ҳам лойиҳа қиймати 400 миллион сўм бўлган сутни қайта ишлаш корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш борасида амалий иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, жорий йилда 11 та иссиқхона, 4 та балиқчилик, 4 та асаларичилик йўналишидаги хўжаликлар ташкил этиш устида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди.

Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлганим, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ўзимизни ҳеч кимдан кам ҳис этмаймиз. Халқимиз диллидаги бундай кўтаринки туйғу бизни яна юксак марраларга етақлайверади.



"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" акциядорлик компанияси жамоаси

*Юрtdошларимизни Ватанимиз
Мустақиллигинини 20 йиллик пўйи
муносабати билан йин қалбдан табриклайди.
Юртимиз осмони ҳаммша мусаффо,
тинчлигимиз баққарор бўлсин.*

*Ўзбекистон Республикаси вақтли
матбуот нашрларига обуна бўлинг.*



«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*барча юрtdошларимизни
яқинлашиб келадган энг улуг
ва энг азиз байрамимиз –*

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
20 йиллиги
билан самимий муборакбод этади!

*Тинчлик, фаровонлик,
аҳиллик юртимизни
ҳеч қачон тарк этмасин!*



"ALJ САМАРҚАНД" концерни **ЖАМОАСИ**

*Барча юрtdошларимизни
қутлуғ айём –*

Мустақиллик
байрами билан
самимий муборакбод этади.

*Истиқлол куёши нурларига
йўрилган юртимиз
фуқароларига мустақкам соғлиқ,
бахт-саодат тилаймиз.*

20 yil

*Истагимиз шуки, мустақиллик билан
бирга кучга тўлиб, камол топаётган ёш авлоднинг
келажаги бундан-да порлоқ бўлсин!*





“Навбахор текстиль” МЧЖ

шаклидаги хорижий корхона жамоаси

Республикамиз асрнинг

Испиклотимизнинг

20 йиллиги

*билан самимий
қушлайди!*



*Қадриятлари тикланиб,
ўзлигини дунёга баралла намоён
этаётган Ўзбекистонимизнинг
обрў-эътибори янада
ортиб, салоҳияти йилдан-йилга
юксалаверсин!*

